**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

*қўлёзма ҳуқуқида*
УДК _____

**Каримов Иномжон Ортикбаевич**

# КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА (ТАРМОҚЛАР КЕСИМИДА) ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**5А 340 206 – “Қурилиш иқтисодиёти” мутахассислиги**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**
**Д И С С Е Р Т А Ц И Я**

Магистратура бўлими
бошлиғи ____________________
и.ф.н.,доц. М.С.Саидов
«____» __________ 2015 й.

Кафедра мудири: _________________
И.ф.н., доц. В.У. Ёдгоров
«____» ___________ 2015 й.

Илмий раҳбар _____________
и.ф.н., доц. М.С.Саидов
«____» __________ 2015 й.

**ТОШКЕНТ - 2015**

МУНДАРИЖА

Кириш ..........................................................................................................5

**I БОБ. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲАТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ........**7

1.1. Капитал қурилиш иқтисодиётини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари ва муаммолари ҳамда таркибий ўзгаришлари...........................7

1.2. Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг аҳамияти..........16

1.3.Капитал қурилишда танлов савдолари турлари ва улар иштирокчилари..........................................................................................20

1.4. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солиш..............................................................................................................28

I боб бўйича хулоса……………………………………………………

**II БОБ. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ** .................47

2.1. Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази фаолияти тавсифи..........................................................47

2.2. Капитал қурилишда танлов савдолари ҳужжатларини баҳолаш кўрсаткичлари ва натижалари таҳлили

2.4. Капитал қурилишда танлов савдоларининг тармоқлар бўйича натижалар таҳлили қурилиш-монтаж ишлари таннархига таъсири..........................................................................................69

II боб бўйича хулоса……………………………………………………

**III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

3.1. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил ва ўтказиш мехнизмини такомиллаштириш йўллари

3.2. Танлов савдоларида қатнашадиган қурилиш корхоналари иқтисодий салоҳиятини ҳамда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш...................85

III боб бўйича хулоса……………………………………………………

**ХУЛОСА** ........................................................................................................90

**Фойдаланилган адабиётлар**.........................................................................93

## Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар натижасида мамлакатни тараққий эттириш, иқтисодиётни янгилаш ва модернизация қилиш, инқирозга қарши кураш дастурини бажариш учун куч ва имкониятларни сафарбар этишда Ўзбекистон глобал инқироз таъсири ва хавфларига қарши тура олиш билан бирга, кам сонли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминланган ҳолда, аҳолининг турмиш фаровонлигини янада ўстириш каби қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, барқарор хамкорлик муносабатларини ўрнатиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш тадбирларининг ҳам аҳамияти катта бўлди.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳамма соҳада бўлгани каби қурилиш соҳасида ҳам иқтисодий ислоҳатлар бозор муносабатларини шакллантирувчи шароитларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш асосида амалга оширилмоқда. Ўтган мустақиллик йилларида улкан ўзгаришлар ва ютуқларга эришилди. Буни биргина Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузасида “2014 йилда Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди.

Умуман олганда, мамлакатимиз 2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”[1] эканлигини таъкидлаб ўтди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган вазирлар махкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 19.01. 2015.

Ўзбекистонда қурилиш ишларининг муваффақиятли ривожланиши тармоқдаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислоҳатлар билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса тармоқни янада ривожлантиришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишда иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларнинг ҳолатини чуқур тадқиқ этишни талаб этади. Ҳозирги жаҳон молиявий иқтисодий – инқирози шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, "…қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш"[2] капитал қурилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айнан қурилиш мажмуасида мазкур вазифани амалга оширишда танлов савдолари катта рол ўйнайди. Ўтган давр мобайнида капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш, қурилишда нарх белгилаш механизмни такомиллаштириш, лойиҳаларни амалга оширишнинг пировард натижалари самарадорлигини ошириш учун улкан ишлар амалга оширилиб, ҳуқуқий меъёрий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майда ПФ-3240 сонли "Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги" Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июнда N 261 сонли "Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги Қарори, 2003 йил 3 июлда N302 сонли "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Қарори, 2003 йил 24

---

[2] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009

октябрда N 463 сонли “Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорилари қабул қилинди.

Маълумки капитал қурилишда объектнинг смета қиймати икки усулда: ресурс усули ва йириклаштирилган усул орқали аниқланади. Ўтган давр мобайнида қурилиш қийматини шартномавий жорий аниқлашнинг ресурс усули смета норматив базаси яратилиб, 200 га яқин шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ), ҳамда 10 дан ортиқ услубий кўрсатмалар ва низомлар ишлаб чиқилди. Қурилиш баҳосининг шартномавий жорий нархни танлов савдолари натижасида шаклланади. Шунингдек, қурилиш якуний натижаси ва сифатига ҳам таъсир кўрсатади, чунки малакали бошпудратчини танлаш ва муттадини аниқлаш ҳам танлов савдолари жараёнида аниқланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Капитал қурилишда танлов садоларини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари хорижлик олимлар, жумладан Б. Андерсена, Ф.Тейлор, А.Файол, Эмерсон Г., Вебер М., Мэйо Э., Лайкерт Р., Саймон Р. ва бошқа олимларнинг асарларида тадқиқ қилинган.

МДҲ давлатларида А.И. Антипин, А.Н. Асаул, С.В. Бовтеев, Г.М. Веденеев, Е.Ю.Гончаров, Г.Н. Кобзев, В.А. Кощеев, К.В. Кузнецов, Н.В. Нестерович, Ю.П. Панибратов, Е.И. Рыбнов, Е.В. Секо, А.М. Симановский, К.С. Евтюкова, Е.Б. Смирнов, И.С. Степанова, П.С.Степанов, В.И. Фролов ва бошқалар капитал қурилишда танлов савдолари соҳасининг ривожланишига ўз ҳиссани қўшди.

Ўзбекистонда ушбу муаммолар Б.А.Лещенко, Б.Д.Калметов, В.А.Казимов, В.У.Ёдгоров, Э.Х.Маҳмудов, И.Х.Давлетов, М.Ю.Исоқов, А.Суюнов, С.И.Ниязов, М.Е.Мирзанов, Д.Я.Бутунов ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган.

**Магистрлик диссертациясининг мақсади**. Тадқиқот ишидан мақсад капитал қурилиш танлов савдолари ва уни ташкил этиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари**. Тадқиқот ишининг бош мақсадидан келиб чиқиб, қуйидагилар диссертациянинг вазифалари сифатида белгиланди:

– капитал қурилишни ривожлантиришда иқтисодий ислоҳатлар ва таркибий ўзгаришларни ёритиб бериш;

– капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг аҳамияти ўрганиш;

– танлов савдолари турларини ёритиб бериш ва улар иштирокчиларини ўрганиш;

– капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солишни асослаб бериш;

– қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази фаолиятини ёритиб бериш;

– Республикада танлов савдоларини ўтказиш натижаларини таҳлил қилиш;

– Вилоятларда танлов савдолари талобгорлари ва ғолиблари фаолиятини таҳлил қилиш;

– капитал қурилишда танлов савдоларининг қурилиш-монтаж ишлари таннархига таъсири ўрганиш;

– капитал қурилишда танлов савдоларни ўтказишни такомиллаштириш йўлларини топиш;

– Танлов савдоларида қатнашадиган қурилиш корхоналари иқтисодий салоҳиятини ҳамда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот предмети:** қурилиш корхоналарининг тендер савдоларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

**Тадқиқот объекти** сифатида қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Тадқиқот методлари**. Диссертацияда тизимли таҳлил ва синтез, иқтисодий-статистик таҳлил, моделлаштириш ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

**Диссертациянинг илмий янгилиги**. Республикамизда бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш ташкилоти хўжалик фаолиятининг иқтисодий – молиявий таҳлилини такомиллаштиришга оид назарий ва амалий муаммоларни ҳал этиш борасидаги илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- капитал қурилишда танлов савдолари мазмуни ва аҳамияти ёритиб берилган;

- танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини такомиллаштириш йўллари берилган;

- қурилиш- монтаж фаолияти ва тажрибаси таҳлили асосида қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган;

- капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш йўллари асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундаки, диссертацияда умумлаштирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар капитал қурилишда танлов савдоларининг таҳлили билан боғлиқ бўлган муаммоларни чуқур ўрганишга асосланган бўлиб, улардан келажакда амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Диссертациянинг назарий хулосалари ва амалий натижаларидан қурилиш корхоналарининг тендер савдоларида иштирокини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқишда ҳамда “Қурилиш иқтисодиёти”, “Қурилиш корхонаси хўжалик фаолияти таҳлили” каби иқтисодий фанлар ва ўқув курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг методологик ва назарий асоси** бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қарор ва меъёрий ҳужжатлари, ватанимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ишлари, шунингдек, қурилиш иқтисодиёти оид чоп этилган бошқа иқтисодий адабиётлар ташкил этади.

**Диссертация мавзуси бўйича ўрганилган адабиётлар.** Мустақиллик йилларидан сўнг капитал қурилиш соҳасидаги илмий ва амалий изланишлар, капитал қурилишнинг ўзига хос хусусиятларини жорий этиш муаммолари ва қурилиш тизимини ислоҳ этиш каби муаммолар нисбатан ёш мустақил соҳа сифатида шаклланиб келмоқда. Бозор иктисодиёти шароитида бу соҳада илмий ва амалий изланишлар олиб бориш жараёни жадал суръатларда олиб борилмокда ва албатта мамлакатимизда ҳам бундай изланишлар мустақиллик йилларидано қ кенг тус олган. Шу сабабли дунё миқёсида муаммони ўрганиш борасида нисбатан кўпроқ ютуқларга эришилган.

Капитал қурилишда танлов садоларини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари бўйича ўзбек олимлари Б.А.Лещенко, Б.Д.Калметов, В.А.Казимов, В.У.Ёдгоров, Э.Х.Маҳмудов, И.Х.Давлетов, М.Ю.Исоқов, А.Суюнов, С.И.Ниязов, М.Е.Мирзанов, Д.Я.Бутунов ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган.

Б.А.Лещенко, Б.Д.Калметов, В.А.Казимовларнинг илмий тадқиқот ишларида капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўналишлари ўрганилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майда ПФ-3240 сонли Фармонида белигалаб берилган усутвор йўналишлардан келиб чиқиб, капитал қурилишда танлов савдолари ташкил қилиш механизмлари ва шартномавий жорий нархга ўтиш масалалари ёритиб берилган.

Б.Д.Калметов[3] нинг илмий ишида бозор иқтисодиёти шароитида капитал қурилшда нархни шакллантириш масалалари тадқиқ қилиниб, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар математик моделлаштириш орқали таҳлил қилинган.

А.Суюновнинг[4] монографиясида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида капитал қурилишда танлов савдоларининг айрим масалалари тадқиқ қилинган. Жумладан, қурилиш объекти қийматининг тўғри

---

[3] Кальметов Б.Д. Ценообразования и проблемы развития перебазируемых предприятий в строительстве. Ташкент: «АКАТМ», 2004 г.

[4] Суюнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствование инвестиционных процессов. Монография. Ташкент: “Фан ва технология”, 2010г. 164 стр.

харажатларидан бири қурилиши машина ва механизмларидан фойдаланиш харажатларини аниқлашнинг услубий асослари очиб берилган.

С.М.Ниязовнинг “Экономическое реформирование производственно – технической базы строительства”[5] номли монографиясида қурилиш материаллари ва конрукциялари қийматини шакллантириш муаммолари, қурилиш ишлаб чиқаришда қўлланилаётлаган моддий техника ресурслари жорий нархлари каталогини ишлаб чиқишни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Шунингдек М.С.Мирзанов[6] томонидан капитал қурилиш иқтисодиёти соҳасида илмий изланиш олиб борган. Муаллифнинг “Совершенствование развития кадрового потенциала в модернизируемое экономике” номли монографиясида капитал қурилишда кадрлар масаласи тадқиқ қилинган. Жумладан қурилиш-монтаж ишлари қийматининг асосий харажатларидан бири курувчи-ишчиларнинг асосий иш ҳақи ва уни аниқлашнинг статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Республикамизда қурилишда баҳони шакллантиришнинг янги тизимига ўтилганидан кейин капитал қурилишда баҳони шакллантириш ва капитал қурилишнинг илмий назарий асослари, баҳони шакллантиришга турли хил ёндашувлар кам сонли тадқиқотчи олимлар томонидани илмий изланишлари олиб борилган. Бу борада В.У.Ёдгоров, Д.Я. Бутунов, Э.Б. Хаитов, Махмудов Э.Х. ларнинг ўқув қўлланмалари чоп қилинган.

В.У. Ёдгоров, Д.Я. Бутунов, Э.Б. Хаитов "Ценообразование в строительстве"[7] номли ўқув қўлланмасида Ўзбекистон Республикасида капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг янги тизими, эркин бозор нархларини қўллаш асосида ресурсли сметаларни тайёрлаш, меъёрий-услубий асосларни яратиш ва объектларининг қиймати ҳамда капитал қурилишда янги технологияларни қўллашнинг назарий ва амалий асослари ёритилган.

---

[5] Ниязов С.М. Экономическое реформирование производственно –технической базы строительства. Монография. Ташкент: “Фан ва технология”, 2010г. 176 стр.

[6] Мирзанов М.Е. Совершенствование развития кадрового потенциала в модернизируемое экономике. Монография. Ташкент: “Фан ва технология”, 2010г. 168 стр.

[7] Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Хаитов Э.Б. Ценообразование в стриотельстве. Учебное пособие. Т.: ТАСИ, 2012г.

В.У. Ёдгоров, Д.Я. Бутунов, Э.Б. Хаитовлар томонидан нашр этилган "Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ташкил этиш" [8] номли ўқув қўлланмада капитал қурилишда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, ва пудратчи ташкилотларни излаб топиш, бош пудратчини танлашда одилона ёндашиши масалалари ўрганилиб, унда танлов савдоларининг мазмун ва моҳияти очиб берилган. Республикамизда амалдаги "Қурилишда танлов савдолари" тўғрисидаги Низомнинг мазмуни очиб берилган ҳамда ҳуқуқий асослари тушунтирилган. Шунингдек, ишда капитал қурилиш қийматини асослашда асосий ёндашувлар ҳамда алгоритмлари келтирилган. Мазкур қўлланманинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, замонавий қурилишни бошқариш жараёнлари тўғрисида тушунча берилган.

ТДИУ доценти Махмудов Э.Х. "Капитал қурилиш иқтисодиёти" [9] деб номланган ўқув қўллнамасида капитал қурилиш иқтисодиётининг техник, ҳуқуқий, иқтисодий асослари ёритилган. Қўлланмада қурилиш иқтисодиётинниг асосий тушунчалари, тамойиллари ва усуллари таърифланади. Мазкур қўлланмада капитал қурилишда танлов савдолари ташкил этиш асослари фаннинг алоҳида бобида ёритиб берилган.

Капитал қурилишда танлов садоларини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари хорижлик олимлар, жумладан Б. Андерсена, Ф.Тейлор, А.Файол, Эмерсон Г., Вебер М., Мэйо Э., Лайкерт Р., Саймон Р. ва бошқа олимларнинг асарларида тадқиқ қилинган. МДҲ давлатларида А.И. Антипин, А.Н. Асаул, С.В. Бовтеев, Г.М. Веденеев, Е.Ю.Гончаров, Г.Н. Кобзев, В.А. Кощеев, К.В. Кузнецов, Н.В. Нестерович, Ю.П. Панибратов, Е.И. Рыбнов, Е.В. Секо, А.М. Симановский, К.С. Евтюкова, Е.Б. Смирнов, И.С. Степанова, П.С. Степанов, В.И. Фролов ва бошқалар капитал қурилишда танлов савдолари соҳасининг ривожланишига ўз ҳиссани қўшди. Шунингдек танлов савдоларини ўказишни такомиллаштиришга Инженер-консультантлар Халқаро Федерацияси (ФИДИК) ўзининг катта ҳиссасини қўшган.

[8] Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Хаитов Э.Б. Қурилишда танлов савдолари ва уларни ташкил этиш Т.: ТАҚИ, 2012й.
[9] Махмудов Э.Х. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2009.

С.И.Абрамов “Организация инвестиционно-строительной деятельности” [10] китобида капитал қурилишда инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уларни энг муҳим босқичларидан бири – қурилиш объекларининг бозор баҳосини аниқлашга бағишлаган. Китобда қурилиш иқтисодиётининг назарий асослари ва капитал қурилиш объектларининг турлари ҳамда уларнинг техник иқтисодий талабларидан келиб чиқиб, капитал курилиш биноларининг аниқ қийматини аниқлашдаги услубий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради.

Степанов П. С. “Экономика строительства”[11] китобинингкапитал қурилиш иқтисодиёти вакапитал курилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Бошқа муаллифларининг асаридан фарқли бу китобда капитал қурилишда иқтисодий жиҳатларикеракли маълумотларга асосланиб ҳамда келтирилган манбаларга таяниб ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради. Қурилиш иқтисодиёти ва капитал қурилиш ишлари механизмларининг давлат иқтисодиётида тутган ўрнини мисоллар тариқасида келтириб берган ҳамда амалий жиҳатдан тавсиялар ишлаб чиққанлиги билан бошқа ўқув қўлланмалардан анча фарқ қилади.

М.А.Журавлеванинг [12] илмий ишларида қурилиш қийматининг аниқлашнинг услубий асослари тадқиқ қилинган. Жумладан, қурилишда нархни шакллантиришининг тарихий босқичлари, қурилиш маҳсулоти қийматини аниқлаш услублари тавсифлаб берилган. Аҳамиятли жиҳати муаллифнинг илмий ишида қурилиш баҳосининг жорий нархини аниқлаш муаммолари очиб берилган.

Р.М.Коваленконинг [13] илмий тадқиқот ишлари асосан қурилиш маҳсулоти нархини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва услубий

---

[10] С.И.Абрамов “Организация инвестиционно-строительной деятельности” М.: Центр экономики и маркетинга, 1999.

[11] Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.

[12] Журавлева М.А. Совершенствование механизма формирования договорных цен в строительстве: Дис. канд. экон. наук: 08.00.05. Екатеринбург, 2006г. 235 с.

[13] КоваленкоР.М. Организационно-экономические методы формирования цен на строительную продукцию с учетом возможного изменения стоимости ресурсов: Автореф.дис.канд.экон.наук:08.00.05 Нижегор.гос.архитектур.-строит.ун-т. - Н.Новгород, 2002. - 20с.

асосларига бағишланган. Шунингдек қурилиш объектиги ресурслари нархи ўзгаришининг таъсири ҳам ўрганилган.

Ардзинов В.Д. “Организация оплата труда в строительства” [14] номли ўқув қўлланмасида капитал қурилишда мехнатга ҳақ тўлаш ва уни ташкил этишнинг, ҳуқуқий, иқтисодий асослари ҳамда тамойиллари ёритилган. Капитал қурилишда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни ташкил этишдаги харажатлар ҳамда уларнинг назорат қилиш, капитал қурилишнинг метод ва принциплари келтирилган.

Остапенко И.Н., Ковалевская И.А. Ценообразование. Ўқув қўлланмаси[15].

Мазкур ўқув қўлланма қуридлишда баҳони шакллантиришнинг назарий асослари ўрганилган. Унда смета тузиш тизимини шакллантириш ва ресурсларни гуруҳлашнинг амалий асослари очиб берилган. Мазкур ўқув қўлланма қурилиш сметасини индекс усулига асосланган ҳолда тузилганлиги сабабли Ўзбекистонда амалдаги услубий асослари билан тўғри келмайди.

В.М.Васильев, Ю.Панибратов «Управление строительными инвестиционными проектами»[16] китобида капитал қурилишнинг асосий мақсади ва тамойиллари, капитал қурилишда лойиҳаларни ташкилий асосларининг ахборот билан таъминланганлик даражаси ва инвестицион фаолиятни назорат қилиш ҳамда қурилиша инвестицияларини бошқаришнинг услубий асослари батафсил ёритилган.

В.Р.Дорожкин, Е.В.Хилько, Л.К.Нефедова, А.С.Овсянников[17] ларнинг илмий ишларида қурилишда баҳони шакллантиришнинг ҳудудий кўрсаткичлари кенг тадқиқ қилинган. Жумладан қурилиш монтаж ишлари қийматида тўғри харажатлари ва пудратчининг бошқа харажатлари, уларни

---

[14] В.Д.Ардзинов “Организация и оплата труда в строительстве” СПб: Питер Принт 2004.

[15] Остапенко И.Н., Ковалевская И.А. Ценообразование. Уч.пособия. М: Строй издат. 2009г.

[16] В.М.Васильев, Ю.Панибратов «Управление строительными инвестиционными проектами» СПб.: АСБ, 1997.

[17] Дорожкин В.Р. Экономические проблемы формирования стоимости строительной продукции в условиях переходной экономики: Дис. д-ра экон. наук: 08.00.05: Воронеж, 1999г. 348 с.; Хилько Е.В. Формирование регионального ценообразования в строительстве (на примере Новосибирской области): дис. канд. экон. наук: 08.00.05 Новосибирск, 2006г. 172 стр.; Нефедова Л.К. Формирование методологии регионального регулирования договорных цен на строительную продукцию (На примере Кемеровского РЦЦС): Дис. канд. экон. наук: 08.00.05 Новосибирск, 2000 г. 237 стр.; Овсянников А.С. Развитие методов формирования стоимостной части сметно-нормативной базы на региональном уровне: Дис. канд. экон. наук : 08.00.05 Воронеж, 2000г. 160 стр.

аниқлашга таъсир қилувчи омиллар аниқланган. Муаллифнинг илмий ишларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижаларини объект смета қийматига ҳудудий кўрсаткичларнинг таъсирини камайтиришда қўллаш мумкин.

Ю.А.Крушинскийнинг[18] тадқиқот ишларида қурилиш объектининг шартномавий қийматини аниқлаш, уни шакллантиришга рақобат муҳитининг таъсири ёритиб берилган. Шунингдек ишнинг амалий аҳамияти шундаки, қурилиш объектини қурилиш-пудрат корхоналари билан шартномавий қийматни шакллантиришда таваккалчилик коэффициенти аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган.

О.В.Дидковскаянинг[19] илмий ишларининг асосий йўналиши минтақада қурилиш қийматини бошқариш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Жумладан минтақада қурилиш объекти қийматини шакллантиришни бошқариш стратегияси ишлаб чиқилган. Шунингдек минтақада қурилиш қийматига таъсир кўрсатувчи ресурслар нархлари таҳлил қилинган.

Маълумки, фан-техника тараққиёти даврида қурилиш объекти қийматини шакллантиришда ахборот технологиялари муҳим ҳисобланади. Е.С.Мишиннинг[20] илмий ишларида смета ҳисобларини автоматлаштириш масалалалари тадқиқ этилган. Аҳамиятли жиҳати транспорт инфратузилмаси объектлари қурилиш қийматини шакллантиришда информацион технологияларни қўллашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган.

А.А.Ликефетнинг[21] илмий ишларида турар жой бинолари қурилиши қийматига қурилиш шароитлари ва хўжалик муносабатлари таъсири таҳлил

---

[18] Крушинский Ю.А. Формирование договорных цен на строительную продукцию в условиях конкурентной среды :Дис. канд. экон. наук: 08.00.05: СПб., 2002г. 139стр.

[19] Дидковская О.В. Формирование механизма управления стоимостью строительства в регионе в условиях переходной экономики: Дис. канд. экон. наук: 08.00.05: Москва, 2002 181 стр.

[20] Мишин Е.С. Методические основы определения стоимости объектов транспортной инфраструктуры с использованием современных информационных технологий: Дис. канд. экон. наук: 08.00.05 Москва, 2003г. 212 стр.

[21] Ликефет А.А. Методы учета условий строительства и хозяйствования при определении цены строительной продукции (На примере строительства жилых объектов) :Дис. канд. экон. наук: 08.00.05 : Москва, 2003г. 163 стр.

қилинган. Шунингдек уй-жой қурилиши мисолида амалдаги нархни шакллантириш тизими ва унинг камчиликлари асослаб берилган.

В.Р.Дорожкин, Е.В.Хилько, Л.К.Нефедова, А.С.Овсянниковларнинг[22] илмий ишларида қурилишда баҳони шакллантиришнинг ҳудудий кўрсаткичлари кенг тадқиқ қилинган. Жумладан қурилиш монтаж ишлари қийматида тўғри харажатлари ва пудратчининг бошқа харажатлари, уларни аниқлашга таъсир қилувчи омиллар аниқланган. Муаллифнинг илмий ишларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижаларини объект смета қийматига ҳудудий кўрсаткичларнинг таъсирини камайтиришда қўллаш мумкин.

В.Р.Дорожкин «Ценообразование и управление стоимостью в строительстве»[23] номли ўқув қўлланмасида капитал қурилишда бахони шакллантиришнинг методологик асослари ёритилган. Ўқув қўланмада асосий эътибор Россия Федератциясида капитал қурилишнинг турли методларига қаратилган ҳамда уларнинг услубий босқичларини асослаб берган.

МДҲ олимларидан яна бири С.А.Айдаеванинг [24] ишларида камитал қурилиш нархни шакллантиришнинг назарий ва услубий асослари ва тендер савдолари кенг тадқиқ қилинган, жумладан иқтисодий алоқалар тизимида нархнинг ўрни, қурилиш қийматини қийматини аниқлашга маркетинг ёндашувлар ёритилган. Аҳамиятли жиҳати қурилишда нархни шакллантириш йўналишлари минтақа (регион) мисолида ишлаб чиқилган.

---

[22] Дорожкин В.Р. Экономические проблемы формирования стоимости строительной продукции в условиях переходной экономики: Дис. д-ра экон. наук: 08.00.05: Воронеж, 1999г. 348 с.; Хилько Е.В. Формирование регионального ценообразования в строительстве (на примере Новосибирской области): дис. канд. экон. наук: 08.00.05 Новосибирск, 2006г. 172 стр.; Нефедова Л.К. Формирование методологии регионального регулирования договорных цен на строительную продукцию (На примере Кемеровского РЦЦС): Дис. канд. экон. наук: 08.00.05 Новосибирск, 2000 г. 237 стр.; Овсянников А.С. Развитие методов формирования стоимостной части сметно-нормативной базы на региональном уровне: Дис. канд. экон. наук : 08.00.05 Воронеж, 2000г. 160 стр.

[23] В.Р.Дорожкин «Ценообразование и управление стоимостью в строительстве» Воронеж: Изд-во им.Е.А.Болховитинова, 2003.

[24] АйдаеваС.А. Методические основы ценообразования в строительстве на современном этапе хозяйствования (На примере Республики Дагестан): Дис. канд. экон. наук : 08.00.05 : Махачкала, 2000 156 стр.

И.С.Абдрахманов, М.А.Шибаеваларнинг[25] илмий ишлари қурилиш объекти қийматини жорий нархда аниқлашнинг йириклаштирилган кўрсаткичлари кенг тадқиқ қиланган. Йириклаштирилган кўрсаткичлар темир йўл ва автомобил йўллари қурилиши мисолида ишлаб чиқилган.

А.Г.Кузьминскийнинг[26] илмий тадқиот ишларида капитал қурилиш маҳсулоти нархини шакллантириш услублари ва моделлари тизимилаштирилиб, бир-биридан фарқли ва умумий жиҳатлари очиб берилган. Шунингдек смета қийматини аниқлашнинг услубларини математик моделлаштириш орқали, индекс услубини такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот услуби**. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг миллий моделидан келиб чиқиб, тизимли таҳлил, ўзаро таққослаш ва математик статистика каби методлар.

**Тадқиқот гипотезаси.** Тадқиқотлар жараёнида танлов савдоларини ташкил қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар қурилиш объекти учун муносиб пудратчини танлаш ва пировардида қурилиш қийматини пасайтириши ва сифатини ошириши мумкин.

**Диссертациянинг таркибий тузилиши** тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кириш, учта боб, 12 та параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида муаммонинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти эътироф этилган.

Диссертациянинг “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш ва танлов савдоларини ташкил этишнинг назарий асослари” номли биринчи бобида Капитал қурилишни иқтисодиётини ислоҳ этишнинг

---

[25] АбдрахмановИ.С. Формирование укрупненных показателей стоимости в железнодорожном строительстве: диссертация кандидата экономических наук: 08.00.05; [Место защиты:Моск. гос. ун-т путей сообщ. (МИИТ) МПС РФ].- Москва, 2010.- 105 стр.; Шибаева М.А. Методы формирования нормативов удельных затрат на строительство объектов дорожного хозяйства : Дис. канд. экон. наук: 08.00.05: Воронеж, 2004г. 162 сьр.

[26] Кузьминский А. Г. Систематика методов и моделей формирования сметных цен на строительную продукцию :Дис. .д-ра экон. наук : 08.00.05 : Новосибирск, 2002г. 490 стр

асосий йўналишлари қа муаммолари ҳамда таркибий ўзгаришлари, капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг аҳамияти, Танлов савдолари турлари ва улар иштирокчилари, Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солишнинг назарий ва услубий асослари тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг “Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ташкил этиш кўрсаткичлари таҳлили” номли иккинчи бобида Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази фаолияти тавсифи ўрганилиб, капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш кўрсаткичлари ва танлов савдолари ҳужжатларини баҳолаш кўрсаткичлари, ҳамда натижалари таҳлил қилинган. Шунингдек капитал қурилишда танлов савдоларининг қурилиш-монтаж ишлари таннархига таъсири таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида танлов савдоларининг самарадорлигини ва иштирокчиларининг салоҳиятини ошириш йўллари” номли учинчи бобида капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил ва ўтказиш мехнизмини такомиллаштириш йўллари ва танлов савдоларида қатнашадиган қурилиш корхоналари иқтисодий салоҳиятини ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, бир қатор илмий-амалий таклиф ва тавсиялар баён қилинган

# I БОБ. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲАТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

## 1.1. Капитал қурилиш иқтисодиётини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари ва муаммолари ҳамда таркибий ўзгаришлари.

Мустақиллик йиллари даврида мамлакат жамияти ва иқтисодиёти сезиларли даражада сифат ва миқдор ўзгаришларга эришди. Эришилган натижалар бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели нақадар оқилона ва пухталик билан ишлаб чиқилганлигини яққол тасдиқламоқда. Шуниндек, мазкур модел орқали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирига қарама-қарши тура оладиган Ўзбекистоннинг барча ижтмоий-иқтисодий тизими барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлашга эришиш имкониятлари яратилди.

Машҳур иқтисодчи олим Леонтьевнинг фикрича, бозор механизми рақобатга асосланади, аммо давлатнинг қатъий назорати остида, миллий даромаднинг катта қисмини ўз ичига олувчи ижтимоий хизматлар тизимлари билан боғлиқликда фаолият кўрсатади. У кескин марказлашган режалаштириш ўрнига индикатив йўналтирувчи режалаштиришни кўзда тутади. Бошқача қилиб айтганда, бозор механизмини ҳам бошқа ҳар қандай механизм каби тегишли равишда бошқариш ва тартибга солиб туриш керак бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш фақат ишлаб чиқилган модел асосидагина эмас, балки жаҳон фани ва амалиётининг ютуқлари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Давлат аввалбошдан тармоқлар иқтисодиётида ҳам, бутун миллий иқтисодиётда ҳам бош ислоҳотчи бўлди. Бугунги кунда республикамизда монополияга қарши қўмита ишлаб турибди, бизнес ва тадбиркорлик институтлари ташкил қилинган, кўпчилик вазирлик ва маҳкамалар - эскирган асосий давлат бошқарув органлари тугатилган, иқтисодиёт мафкурадан ажратилган, мулкчилар синфи шаклланиб бормоқда. Давлат иқтисодий фаолият

эркинлигини, истеъмолчининг ҳуқуқлари устиворлигини ҳам, тенгликни ҳам, барча мулкчилик шаклларининг муҳофаза қилинишини ҳам кафолатлайди. Бўларнинг барчаси, яъни мамлакатнинг бозор муносабатларига йўналганлиги, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган.

Бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига келсак, Ўзбекистонга нисбатан улар, биринчидан, дастлаб мамлакат президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган, иккинчидан, - улар миллий иқтисодиётни бозо муносабатларига ўтказишнинг ўз модели асосига қўйилган.

Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг сиёсатдан озодлиги;
- қонунларнинг устиворлиги ва уларнинг барча бошқарув поғонларида мажбурий бажарилиши;
- давлат - барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда бош ислоҳотчи;
- меҳнаткашларнинг, айниқса кам таъминланган оилаларнинг манфаатларини кучли ижтимоий ҳимоялаш;
- бозорга ва бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Қурилиш, миллий иқтисодиётнинг ўзвий бир қисми сифатида бу тамойиллардан алоҳида фаолият кўрсата олмайди. Бундан ташқари, қурилиш бу тамойилларга мосланиши, уларнинг асосида ҳамда тармоқнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг тезлашишга имкон яратиши лозим.

Қурилиш мажмуасини бозор тизимига ўтказиш учун бошқа бозор тамойиллари ва шарт-шароитлари ҳам керак бўлиб, уларсиз моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида фақат қурилиш эмас, ҳатто бутун иқтисодиёт ҳам бозор иқтисодиёти деган номга лойиқ бўла олмаслиги мумкин. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

- пул-кредит тизимини ташкил қилиш ва унинг, шу жумладан конвертланувчи валютанинг барқарор фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш.

- молиявий ташкилотлар, биржалар, суғурта компаниялари, аудиторлик ва консалтинг муассасалари, телекоммуникациялар тармоғи ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи бозор инфратузилмасининг мавжудлиги;
- бозор шароитларида ишлай олувчи кадрларни тайёрлаш ва қайти ижтёрлаш бўйича ишончли тармоқнинг мавжуд бўлиши;
- меъёрий-услубий ва маълумот материалларини тайёрлаш ва қурилиш ишлаб чиқаришини улар билан таъминлаш;
- оқилона (мақбул) солиқ тизимининг мавжудлиги;
- талаб даражасидаги ҳуқуқий таъминотнинг мавжудлиги;
- нархни шакллантириш тизимини яхшилаш.

Табиийки, қурилиш мажмуасининг бозор муносабатларига ўтишдаги асосий тамойиллари ҳам, қўшимча тамойиллари ҳам қурилиш амалиётининг бой ҳаётий тажрибасининг ўрнини боса олмайди. Назариянинг амалиётдан фарқи ҳам, бугуннинг эртадан фарқи ҳам аслида шудир. Аммо бу тамойиллардан биргаликда фойдаланиш ва, янада муҳимроғи, уларни давр талабидан, ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда бойитиш, тўлдириш қурилиш мажмуасининг бозор муносабатларига ўтказилишини тезлаштиради ва шу йўл билан бутун миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, 1991 йилдан бошлаб ҳозирги даврга қадар қурилиш тармоғида ҳам бошқа тармоқлар қатори кенг ва чуқур миқёсдаги ислоҳотлар олиб борилди. Ўтказилган таҳлиллар асосида ўтган давр мобайнида қурилиш тармоғи ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин[27].

1991-1996 йилларда, мамлакатда инвестицион фаолликнинг пасайиши қурилиш ишлари ҳажми ва пудрат шартномаларининг камайишига олиб келди. Бу даврларда аксарият қурилиш ташкилотлари раҳбар ходимларининг қўйилган вазифаларни ҳал этишда етарли даражадаги билим ва кўникмаларга

---

[27] Исоқов М.Ю. Капитал қурилиш иқтисодиёти . Ўқув қўлланма. Т.ТДИУ: 2006й.

эга эмасликлари ҳамда бозор шароитига мослаша олмаганликлари сабабли кадрлар ва ишлаб чиқариш салоҳияти борасида кўп йўқотишларга учради.

1996-2002 йиллар, қурилиш тармоғининг сезиларли даражада юксалиши ва бозор хўжалиги шароитига мослашиши, бозор инфратузилмаси элементларининг пайдо бўлиши ва уларнинг фаоллашуви, чет эл капиталлари иштирокидаги қўшма корхоналар билан биргаликда тадбиркорлик ва кичик корхоналар, айниқса уларнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида оммавий равишда ривожланиши билан характерланади.

2002-2005 йиллардан бошлаб ҳозирга даврга қадар, қурилиш тармоғи миқдор ва сифат жиҳатдан миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини тўлиқ қондира бошлади. Маҳаллий қурилиш ташкилотлари рақобатбардошлигининг ўсиши сабабли аксарият мураккаб ва нуфузли объектлар чет эл қурилиш фирмалари иштирокисиз қурила бошланди ҳамда уларнинг мухандислик ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари юксалди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ги Фармонига мувофиқ ислоҳотлар на фақат капитал қурилишда, балки мамлакатнинг қурилиш тармоғига хизмат қилувчи бошқа тармоқ ва соҳаларда ҳам амалга оширилмоқда.

Мазкур Фармонга биноан капитал қурилиш соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар мўлжалланган:

- қурилишда нарх шакллантиришни такомиллаштириш базасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг янги сифат босқичига ҳамда шартномавий, жорий нархларга ўтиш;
- инвестицион жараён қатнашувчилари ўртасидаги хўжалик муносабатларини ўзгартириш;
- динамик, замон талабларига жавоб берувчи ҳудудий-тармоқ тузилмалари, корхоналарни оқилона жойлаштириш ва янги бошқарув механизмларига ўтиш.

- пудратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилиш бошқарув тузилмаларини ихчамлаш ва монополиядан чиқариш;

- хусусий қурилиш фирмаларини ташкил қилишни рағбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта ва кичик корхона ва ташкилотларни, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

- капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг ролини кучайтириш, барча жойларда буюртмаларни жойлаштиришда тендерларни жорий қилиш, қурилишни асосан фойдаланишга тайёр ҳолда ("қулф-калит" билан) топшириш шартлари асосида амалга ошириш;

- инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашларни тайёрлаш даражасини ошириш, уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш, қурилишнинг моддий-техник базасини янгилаш;

- тармоқни бошқаришнинг барча бўғинларида институционал ўзгаришларни амалга ошириш, қурилиш мажмуасининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, бир-икки бўғинли бошқарув тизимларига ўтиш;

- қурилиш пудрат ташкилотларида бригада пудратини жорий қилиш, тўловни ишларнинг тугалланган босқичларида амалга ошириш асосида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг меъёрлари ва механизмларини такомиллаштириш;

- қурилиш-монтаж ишларининг таннархини камайтириш, муддатларини қисқартириш ва сифатини ошириш.

Бу чоралар қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 2005 йилга мўлжалланган муайян Дастури билан мустаҳкамланган бўлиб, шу мақсадларда уни амалга ошириш юзасидан махсус ҳудудий ва вертикал комиссиялар ташкил қилинган.

Қуйида объектлар бўйича техник-иқтисодий асослашлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади:

а) лойиҳанинг қийматидан қатъий назар хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинган ҳолда ҳукумат кафолати асосида амалга оширилаётган объектлар;

б) республика инвестиция дастурига киритилган ва ҳар йили давлат бюджети билан бирга тасдиқланадиган объектлар.

Инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашлар ва бошқа керакли ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангунга қадар белгиланган тартибда тегишли экспертизадан ўтиши лозим. Инвестиция ва қурилиш лойиҳаларининг танлов асосида танлаб олиниши қурилиш мажмуасини ташкил қилиш ва уни бошқаришдаги энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Булар айниқса қуйидаги ҳолларда кенг қўлланилмоқда:

- лойиҳалаш, инженерлик-тадқиқот ишлари, конструкторлик ишлари ва ҳоказоларда;

- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бино ва иншоотларини, корхоналарни қуриш ва техник қайта жиҳозлаш, шу жумладан уларни “қулф-калит” асосида топширишда;

- технологик асбоб-ускуналар ва бошқа меҳнат воситалари тўпламини етказиб беришда;

- лойиҳани бошқариш, маслаҳат хизмати кўрсатиш ва назоратларда.

Танлов (тендер) лар самарасини ошириш ва пудрат бозорида рақобатчиликни кучайтириш мақсадида, бозор махсус қоидалари ва талабларига риоя қилинган ҳолда хорижий лойиҳалаш ва қурилиш компанияларининг қатнашиши кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, экспертларнинг малакаси ва роли кучайиб бормоқда. Экспертлар керакли профессионал маълумотга, тажрибага ва касбий ички сезгирлик (интуиция)га

эга бўлишлари лозим. Хорижий амалиётда экспертларнинг хулосаси, одатда, қайта кўриб чиқилмайди ва ҳатто муҳокама ҳам қилинмайди.

Ўзбекистонда инвестиция ва қурилиш фаолиятининг асосий иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари 1.1-жадвалда кўрсатиб ўтилган.

**1.1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва қурилиш фаолиятининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари [28]**
**(2008-2013 млрд.сўм)**

| Кўрсаткичлар | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2013й. 2008й. га нисбатан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Асосий фондларни ишга тушириш | 8014 | 12104.7 | 13784.6 | 13641.3 | 18234.4 | 18850.0 | 2,35 марта |
| Асосий капиталга инвестициялар | 9555.9 | 12531.9 | 15338.7 | 17953.4 | 22797.3 | 23450.0 | 2,45 марта |
| *жумладан, ишлаб чиқариш объектлари бўйича* | 7331.6 | 9491.2 | 11312.3 | 12411.1 | 15153.0 | 16400.0 | 2,23 марта |
| *ноишлаб чиқариш объектлари бўйича* | 2224.3 | 3040.7 | 4026.4 | 5542.3 | 7644.3 | 8335.0 | 3.7 марта |
| Асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоизда | 24.5 | 25.4 | 24.6 | 22.8 | 23.6 | 24.5 | |
| Қурилиш-монтаж ишлари | 3575.9 | 7067.4 | 8245.8 | 9504.8 | 11753.9 | 13250.0 | 3.7 марта |

Жадвал таҳлилларидан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ, юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар орқали мамлакатимизда 2008-2014 йилларда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

---

[28] *“Строительство Узбекистана”, Ташкент, 2014 г., стр.18-19. маълумотлар 1 январ ҳолатига олинган.*

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиши инвестициялар кўламининг янада ортиб бориши ва улардан самарали фойдаланиш билан чамбарчарс боғлиқдир.

1998-2009 йилларда республика барча соҳаларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар доирасида қурилиш мажмуасида ҳам сезиларли даражадаги институционал ўзгаришлар рўй берди. Буларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни давомида қурилиш тармоғидаги йирик монополистлар – корпорация, бирлашма ва ассоциациялар босқичма–босқич тугатилди. Қурилиш корхоналарини кенг кўламда хусусийлаштириш жараёни амалга оширилди ва бугунги кунда уларнинг 95 фоиздан ортиғи нодавлат мулк шаклларига эга;

иккинчидан, пудрат ишларини юқори даражали сифат билан бажарилишини таъминламаётган ҳамда кам қувватли, зарар кўриб ишлаётган қурилиш ташкилотлари бир-бирига қўшиб юборилиши ёки банкротлик эълон қилиниб босқичма-босқич тугатилди;

учинчидан, қурилиш ишлари буюртмачилари ва пудратчилари ўртасидаги шартномавий муносабатлар тизими ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

тўртинчидан, 2004 йилдан бошлаб капитал қурилишда ўзаро ҳисоб-китоблар, 1991 йил нархларига асосланган эски тизимдан тўлиқ жорий нархлардаги ҳисоблашларга ўтказилди;

бешинчидан, барча жойларда қурилиш буюртмаларини бажариш учун қурилиш ташкилотларини аниқлашнинг танлов тизими жорий этилди.

Шу билан биргаликда, кўп кўрсаткичлар жиҳатдан, жумладан пудрат қурилиш ишлари сифати бўйича мамлакат корхоналари ташқи бозорларда, айрим ҳолатларда ички бозорда ҳам етарли даражада рақобатбардош эмас. Мамлакатдаги умумий нарх ўсишига нисбатан пудрат қурилиш ишлари нархи тез-тез юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Кўпчилик пудрат қурилиш корхоналари етарли даражада айланма маблағларга эга эмас, ўз фаолияти

давомида жиддий молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда. Пудрат қурилиш ишлари бозори эса ҳозирча самарали фаолият юргизмаяпти.

Бозор муносабатларига ўтиш капитал қурилишда муносабатлар тизимини тубдан ўзгартиришни талабал қилди. Пудрат қурилиш ишлари ва шу каби исталган бошқа соҳаларда бозор муносабатларини шакллантириш учун рақобат муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлаш зарур бўлади. Ушбу йўналишда биринчи мантиқий қадам, давлат тасарруфидан ва монополиядан чиқариш жараёнларининг ўтказилиши ҳисобланади.

Пудрат қурилиш ишлари бозорида ислоҳотлар йўналишининг устунлигини нарх-навонинг тез эркинлаштирилиши ҳамда 1990-йиллар бошларидаги давлат режалаштириш тизимининг тугатилиши ва йирик ихтисослаштирилган пудрат қурилиш ташкилотлари амалда ҳеч ким томондан назоратга олинмай қолганлиги ҳам таъминлайди.

Бошқа томондан, 1991-1994 йилларда иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг кескин камайганлиги ўз навбатида пудрат қурилиш ишлари бозори ҳажмининг қисқаришига, кенг кўламда зарар кўриб ишлайдиган пудрат қурилиш ташкилотлари кўпайишига, хусусан улардаги бошқарув тизимларининг барбод бўлишига, қурилиш техникасини янгилаш ва модернизациялаш жараёнларининг тўхтатилишига олиб келди.

Қурилиш мажмуасидаги ислоҳотлар 1997 йилдан бошланиб, ҳозирга қадар учта босқичда ўтказилди:

биринчи босқич – 1997-2000 йиллар даврида қурилиш пудрат ишлари соҳасидаги йирик монополистик корпорация, бирлашма ва ассоциациялар изчиллик равишда тугатилди. Жумладан, 25 та республика трестлари ва бирлашмалари тугатилиб, бу ўз навбатида пудрат қурилиш ишлари, айниқса фуқаро ва саноат қурилиши соҳасини монополиядан чиқаришга сезиларли даражадаги имкониятларни берди.

иккинчи босқич – 2000-2004 йилларни қамраб олиб, ушбу йилларда кам қувватли зарар кўриб ишлайдиган қурилиш ташкилотлари бир-бирига қўшиб юбориш ёки уларга банкротлик эълон қилиш йўллари билан босқичма–босқич

оммавий равишда тугатилди. Масалан, 2004 йилда қурилиш ташкилотлари сони олдинги йил билан таққослаганда республика бўйича 403 тагача қисқартирилди.

учинчи босқич - 2003 йилдан, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилингандан бошлаб, капитал қурилишда қурилиш ишлари бозори иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини пудрат ташкилотлари тамойилларига мувофиқ равишда ислоҳ этиш ва ишлар сифатини назоратга олиш ишлари бошланди.

Шундай қилиб, қурилиш иқтисодиётини ислоҳ этиш бутун соҳанинг барча жабҳаларини, яъни қурилиш-монтаж ва лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари саноати корхоналари ва барча қурилиш йўналишидаги касб-ҳунар коллежларидан тортиб то олий таълим муассасаларини ҳам қамраб олади.

Капитал қурилишни ислоҳ этиш қуйидаги асосий муаммоли йўналишларни ўз ичига олади:

- лойиҳа ва қурилиш ишлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш объектив зарурат эканлиги;
- бозор тамойиллари ва механизмларини асослаш ва амалиётга татбиқ этиш;
- қурилишда доимий равишда лойиҳа, смета ва технологик тартиб-интизомни такомиллаштириб бориш;
- қурилиш материаллари бозорининг тикланиши ва ривожланиши;
- капитал қурилиш тармоғи ва тармоқ ости соҳаларига замонавий техника ва технологияларни мунтазам жорий этиб бориш;
- қурилиш ишлаб чиқариши соҳасига хизмат қилувчи консалтинг ташкилотлардан тортиб, то лизинг ва бошқа ташкилотларгача бўлган бозор инфратузилмаларнинг тикланиши ва ривожланиши;

- тармоқда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини тубдан такомиллаштириш.

**1.2-жадвал.**

**Қурилиш тармоғининг асосий кўрсаткичлари[29]**

| **Кўрсаткичлар** | **1991 йил** | **1995 йил** | **2000 йил** | **2005 йил** | **2010 йил** | **2011 йил** | **2012 йил** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот, млрд.сўм | 61,5 | 302,8 | 3255,6 | 15923,4 | 62388,3 | 77750,6 | 96589,8 |
| шундан, қурилишнинг ялпи қўшилган қиймати | 6,4 | 21,4 | 196,2 | 771,1 | 3941,6 | 4742,78 | 5732,6 |
| Қурилиш улиши,% | 10,4 | 7,1 | 6,0 | 4,8 | 6,3 | 6,1 | 5,9 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм | 11,6 | 88,9 | 744,5 | 3165,2 | 15338,7 | 17953,4 | 22067 |
| Шундан, қурилишда | 0,3 | 0,4 | 3,6 | 27,3 | 219,7 | 317,9 | 508,1 |
| Қурилишнинг улиши % | 2,5 | 0,5 | 0,5 | 0,9 | 1,4 | 1,8 | 2,3 |
| Иқтисодиётда банд бўлганлар сони, минг киши | 8254,6 | 8449,0 | 8983,0 | 10196,3 | 11628,4 | 11919,1 | 12223,8 |
| шундан, қурилишда | 675,9 | 538,0 | 676,0 | 849,0 | 1065,1 | 1093.4 | 1124,6 |
| Қурилишнинг улиши % | 8,2 | 6,4 | 7,5 | 8,3 | 9,2 | 9,2 | 9,2 |
| Қурилиш ишлари млрд. сўм | 6,2 | 40,5 | 388,4 | 1453,1 | 8245,8 | 9504,8 | 11311,8 |
| Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати,% | 96,6 | 95,8 | 103,0 | 110,7 | 105,1 | 107,8 | 111,5 |
| Уй-жойлар ишга тушириш, умумий майдони минг кв.м | 9364,0 | 4977,0 | 8006,1 | 6071,6 | 8859,2 | 9203,3 | 10162,2 |
| Улардан, қишлоқ жойларида | 6207 | 3577 | 6974 | 5351.3 | 6695,8 | 6944,3 | 7706 |
| Қурилган уй-жойлар, минг | 114,2 | 60,5 | 76,3 | 55,3 | 75,3 | 73,4 | 82,4 |
| Аҳолининг ўртача уй-жой билан таъминланганлиги, (йил охирига, 1 та яшовчига тўғри келувчи уй-жой майдони, м$^2$) | 12,2 | 12,9 | 13,8 | 14,5 | 15,0 | 15,0 | 15,1 |

Жадвалдан кўринадики, мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги қурилиш тармоғининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1991 йилда 10,4 фоизни, 2000 йил 6,0 фоизни, 2010 йил 6,3 фоизни, 2012 йилда эса 5,9 фоизни ташкил этган. Лекин қурилишнинг ялпи қўшилган қиймат 1991 йил 6,4 млрд

[29] Манбаа: Алманах Ўзбекистон 2013. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. Т.: 2013 й.

сўмни, 2012 йил 5732,6 млрд сўмни ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан 7.4 мартааг ошган. Ушбу ўсишни таъминлашда, айниқса, уй-жой қурилишининг ўсиши сезиларли таъсир кўрсатди. Қурилиш материаллари саноатининг ўсиши дастлабки 10 йил ичида, яъни 2000 йилда 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган эътибор ҳамда яратилган шарт-шароитлар натижасида 2011 йилдаги ўсиш 1,5 мартани ташкил этди.

Кўриб чиқилган масалалар қурилиш иқтисодиётини ислоҳотлаштириш бутун миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан қарагандан мажбурий чора эмас, балки объектив зарурат ва ҳатто давр талабидир, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғи “оқсаётган” бўлса, хўжаликни бошқаришда бозорга хос бўлмаган усулларни қўллаётган бўлса, бундай иқтисодиётни бозор иқтисодиёти деб бўлмайди. Иқтисодиётни (тармоқ иқтисодиётини ҳам, миллий иқтисодиётни ҳам) фақат бошқарувнинг барча поғоналарида, ҳамма жойда бозор механизмлари амал қилган тақдирдагина бозор иқтисодиёти деб аташ мумкин. Бунга эришмагунча бозор иқтисодиёти ҳақида жиддий гапириш мумкин эмас.

Афсуски, бугунги кунда қурилиш мажмуасининг аҳволи айтарлик яхши эмас, бу тармоқ илгари ҳам объектларнинг қурилиши ҳаддан ташқари “ўзоқ вақтга чўзилиши”, битмаган қурилишлар сони кўпайиши, капитал қўйилмаларнинг сон-саноқсиз объектларга тақсимланиб кетгани, йўқотишлар, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган ҳаражатлар ва бошқалар туфайли ҳар доим ҳам яхши кўрсаткичларга эга бўлавермас эди.

Бугунги кунда эса капитал қурилишни жонлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун бошқача чора-тадбирлар керак бўлмоқда. Шу мақсадларда «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Президентининг фармони (06.05.2003 й., № Пф-3240) эълон қилинди. Унда асосий йўналишлар сифатида қуйидагилар кўзда тутилган:

1) пудратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарини хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, қурилиш бошқарув тузилмаларини ихчамлаш ва монополиядан чиқариш;

2) хусусий қурилиш фирмаларини ташкил қилишни рағбатлантириш, қурилиш соҳасида ўрта ва кичик корхона ва ташкилотларни, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

3) капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг ролини кучайтириш, барча жойларда буюртмаларни жойлаштиришда тендерларни жорий қилиш, қурилишни асосан фойдаланишга тайёр ҳолда («қулф-калит»гача) топшириш шартлари асосида амалга ошириш;

4) инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослашларни тайёрлаш даражасини ошириш, уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш, қурилишнинг меъёрий-техник базасини янгилаш;

5) тармоқни бошқаришнинг барча бўғинларида институционал ўзгаришларни амалга ошириш, қурилиш мажмуасининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, бир-икки бўғинли бошқарув тизимларига ўтиш;

6) қурилиш пудрат ташкилотларида бригада пудратини жорий қилиш, тўловни ишларнинг тугалланган босқичларида амалга ошириш асосида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг меъёрлари ва механизмларини такомиллаштириш;

7) қурилиш-монтаж ишларининг таннарзини камайтириш, муддатларини қисқартириш ва сифатини ошириш.

Бу чоралар қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 2006 йилга мўлжалланган муайян Дастури билан мустаҳкамланган бўлиб, шу мақсадларда уни амалга ошириш юзасидан махсус ҳудудий ва вертикал комиссиялар ташкил қилинган.

## 1.2. Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг турлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорига асосан танлов савдолари (тендерлар) орқали амалга оширилади. Уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини эса ушбу Қарорда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом» белгилайди.

Дастлаб шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда танлов савдоларини ташкил қилиш ва ўтказишда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**бошланғич нарх** - буюртмачи томонидан ёки унинг буюртмаси бўйича жалб этилган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати;

**баҳоловчи гуруҳ** - офертани баҳолаш учун танлов комиссияси томонидан ташкил этиладиган вақтинчалик орган;

**баҳоловчи комиссия** - эркин савдода харидни амалга оширишда буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

**баҳолаш мезонлари** - талабгорларни танлаш ҳамда офертани баҳолаш ва савдолар ғолибини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

**буюртмачи** - инвестор ёки товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш учун белгиланган тартибда инвестор томонидан белгиланган юридик шахс;

**талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш** - танлов савдоларида қатнашишга қўйиш учун талабгорларни танлаш;

**инвестор** - товарлар, ишлар ва хизматлар харидига ўз маблағларини ёки қарз олинган маблағларни (бюджетдан молиялаштиришда - назарда тутилган маблағларни) қўювчи юридик ёки жисмоний шахс;

**капитал қурилиш** - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;

**танлов савдоларида иштирок этишга буюртманомаларни таъминлаш** - оферент томонидан буюртмачининг талабига кўра улар бўйича дастлабки мажбуриятни банк берадиган банк кафолати, топшириқ, захира аккредитивлар, чеклар шаклидаги танлов савдолари шартларида назарда тутилган исталган мажбуриятнинг, ёхуд таъминлашнинг бошқа турларида таъминланиши;

**талабгор** - офертаси савдо ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилгунга қадар таклиф этилган шартларда танлов савдоларида қатнашиш ниятини билдирган юридик ёки жисмоний шахс;

**танлов буюртманомаси акцепти** - унинг ютган офертаси эътироф этилган ҳолда оферентга юбориладиган ва шартнома тузишга таклиф ҳисобланадиган буюртмачининг ёзма билдиришномаси;

**танлов комиссияси** - функцияларни бажариш учун буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

**танлов савдолари** - танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул етказиб берувчисини, ишларни бажарувчини ва хизматлар кўрсатувчини танлаш усули;

**танлов савдолари предмети** - товарлар, ишлар ва хизматлар;

**танлов савдолари ташкилотчиси** - буюртмачи ёки танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун буюртмачи томонидан жалб этиладиган юридик шахс;

**танлов ҳужжатлари** - танлов савдоларининг техник, молиявий, тижорат, ташкилий тавсифлари ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, тартиб-қоидалари тўғрисидаги дастлабки ахборот мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми;

**товар** - хом ашё, буюм, конструкция, асбоб-ускуналарга бутловчи буюмлар, қаттиқ, суюқ ёки газсимон ҳолатдаги предметлар, энергиянинг барча турлари, шунингдек етказиб бериладиган товарга қўшимча равишда кўрсатиладиган хизматлар, агар уларнинг қиймати товар қийматининг ўзидан ортиқ бўлмаса;

**оферент** - малака танловидан ўтган ва офертаси танлов савдолари ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган талабгор;

**оферта** - танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов савдолари предметига нисбатан талабгорнинг таклифи;

**шартномавий жорий нарх** - танлов савдолари натижалари бўйича белгиланадиган танлов савдолари предмети нархи;

**шартнома бажарилишини таъминлаш** - буюртмачининг талабига кўра танлов савдолари ғолиби томонидан улар бўйича бирламчи мажбуриятни банк ўз зиммасига оладиган банк кафолати, топшириқ, захира аккредетивлар, чеклар шаклидаги, нақд маблағлардаги депозитлар, ёхуд бошқа шакллардаги депозитлар шаклидаги шартномадаги мавжуд мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши.

### 1.3. Танлов савдолари турлари ва улар иштирокчилари

Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ёки бунингсиз танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

расмий фармойиш берувчи ҳужжат чиқарган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш шакли, тури ва санасини белгилаш;

танлов савдолари ташкилотчиси функциясини амалга ошириш (ушбу функцияларни жалб этиладиган ташкилотга бериши мумкин);

мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда танлов савдолари предметининг бошланғич қийматини белгилаш.

Буюртмачи қуйидаги функцияларни бажаради:

танлов комиссияси таркибини ва иш тартибини шакллантиради ва тасдиқлайди, унинг ишида қатнашади;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлиқ бўладиган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини белгилайди;

танлов савдоларининг ташкилотчиси бўлади (ушбу функцияларни жалб этиладиган ихтисослашган ташкилотга бериши мумкин);

танлов ҳужжатлари таркибини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларига қўйиладиган асосий талабларни, танлов савдолари предметига қўйиладиган ва танлов ҳужжатлари таркибига киритиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

белгиланган тартибда экспертизанинг ўтказилиши ва танлов ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда танлов савдолари натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузади;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

Буюртмачи инвестор билан белгиланган тартибда тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Қуйидагилар танлов савдолари ташкилотчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов савдолари ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш;

танлов савдолари предметига қўйиладиган махсус, техник ва тижорат талабларини ҳисобга олган ҳолда талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларини ўтказиш учун танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни матбуотда чиқариш ва потенциал талабгорларга таклифномалар юбориш;

агар танлов ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, аризалар ва оферталарни қабул қилиш, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлаш;

жалб этиладиган буюртмачи билан шартнома асосида мустақил экспертлар ёки маслаҳатчиларнинг ишларини ташкил этиш;

талабгорларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш;

оферталарнинг асл нусхаларини улар очилгандан кейин буюртмачига бериш.

Танлов савдоларини ташкил этиш учун ихтисослаштирилган ташкилот жалб этилган тақдирда танлов савдолари ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Танлов комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзининг иш тартибини белгилайди;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этилган танлов шартларига боғлиқ бўлган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини тасдиқлайди;

офертани қабул қилишнинг охирги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлайди, агар у танлов ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;

тегишли равишда расмийлаштирган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидаларини амалга оширади;

ичида оферталар бўлган конвертларни очади, уларнинг танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши, расмийлаштириш ва ҳоказолар) ва конвертларни очиш тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди;

мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб этиш зарурлигини белгилайди ёки танлов комиссияси аъзолари орасидан баҳолаш гуруҳини тузади;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ оферталарни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов савдолари ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

танлов савдоларини ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқади ва тартибга солади ҳамда улар бўйича тегишли хулосалар чиқаради.

Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиши керак.

Қоидага кўра, танлов комиссияси таркибига инвестор, буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи банк вакиллари киритилади.

Танлов савдолари предметига боғлиқ равишда танлов комиссияси таркибига лойиҳа, эксперт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Танлов комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар мажлисда танлов комиссияси аъзоларининг камида тўртдан уч қисми қатнашса танлов комиссияси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

Танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидалари босқичлари бўйича қарор танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олган ҳолда танлов комиссияси томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Танлов комиссияси мажлисларида "Даврхитектқурилиш" қўмитасининг ваколатли вакили иштирок этади.

Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади:

очиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланмайди;

ёпиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланади.

Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли бўлиши мумкин.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларининг биринчи тури, танлов савдоларининг ғолибини аниқлаш - унинг иккинчи тури ҳисобланади.

Талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланадиган очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари ўтказишда талабгорларнинг умумий рўйхати тузилади, талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланади ва малакаси олдиндан аниқланган талабгорлар ўртасида танлов савдолари ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари:

буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган;

шартномада ишларни уларнинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлган ёки тадқиқ этиш ёки ишлаб чиқишга сарфланган харажатлар қопланишини таъминлайдиган ҳажмларда бажариш назарда тутилган ҳоллардан ташқари, буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Офертaларнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;

иккинчи босқичда танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Улардан бири рад этган тақдирда танлов шартлари аниқлаштирилган ва (ёки) унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади.

Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 50 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш;

етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

Эркин савдода харид қилишда таклифларнинг етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан алоқа каналлари орқали ёзма шаклда тақдим этилишига йўл қўйилади.

Эркин савдода харид қилишда етказиб берувчи ёки пудратчини танлаш баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш комиссияси буюртмачи томонидан камида беш нафар ваколатли мутахассисдан иборат таркибда тайинланади.

Қуйидаги ҳолларда:

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори мавжуд бўлганда;

харид қилинадиган товар (иш, хизматлар) ягона етказиб берувчи (пудратчи) томонидан ишлаб чиқарилса (реализация қилинса);

импорт товар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишган ҳолда харид қилинганда шартноманинг тўғридан-тўғри тузилишига йўл қўйилади.

Агар танлов савдолари предметининг бошланғич қийматига нисбатан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмаса, бундай ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мустақил лотларга бўлинган ҳолда битта танлов савдоларига бирлаштирилади, бунда ғолиб, қоидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади.

Буюртмачининг асосланган қарорига мувофиқ танлов савдолари предметини лотларга бўлган ҳолда танлов савдолари ўтказилишига йўл қўйилади (қурилиш ва монтаж ишлари, асбоб-ускуналарни харид қилиш ва монтаж қилиш, юкларни транспортда ташиш ва ҳоказо).

Бунда ғолиб, қоидага кўра, ҳар бир лот бўйича аниқланади, бош пудратчи ташкилот функциясини буюртмачи бажаради ва лойиҳада назарда тутилган ишлар ва хизматларнинг бутун комплекси бажарилиши учун жавоб беради.

Инвестор ва (ёки) буюртмачи товарларни харид қилишда танлов савдолари предмети бўлиниши учун жавоб беради.

Танлов савдоларини кейинчалик танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган турлар бўйича ўтказиш имконини берувчи унинг қийматини пасайтириш мақсадида танлов савдолари предметини онгли равишда бўлишга йўл қўйилмайди.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорга қуйидаги малака талаблари қўйилади:

танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

устав сармоясининг миқдори;

танлов объектига ўхшаш  ҳолда талабгораш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнишиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Агар танлов савдолари предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса белгиланган тартибда берилган тегишли лицензияга эга бўлган талабгорлар танлов савдоларида қатнашишга қўйилади.

Танлов комиссияси талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

Талабгорларга танлов савдоларида қатнашишга малака талаблари танлов ҳужжатлари таркибида кўрсатиб ўтилади.

Малака талабларига мувофиқ талабгорлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларни баҳолаш танлов ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов комиссияси талабгорларнинг ўз интеллектуал мулкини ёки тижорат сирини муҳофаза қилиш ҳуқуқини бузишга ҳамда талабгорлар (оферентлар)нинг танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган малака маълумотларига нисбатан мезонлар ва талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Буюртмачининг тор ихтисослашган пудратчи ташкилотлари очиқ танлов савдоларида умумий асосларда қатнашадилар, ёпиқ танлов савдоларида эса танлов савдолари ташкилотчиси камида иккита чет қатнашчини таклиф қилиши шарт.

Малака маълумотлари тўғрисида нотўғри ахборот аниқланган тақдирда танлов комиссияси қарори билан талабгор (оферент) бундан кейин танлов савдолари тартиботида қатнашишдан четлатилади.

Малака маълумотлари тўғрисида танлов савдолари натижасига таъсир қилмайдиган унчалик муҳим бўлмаган ноаниқликлар мавжуд бўлган ахборотни тақдим этган талабгор (оферент)га танлов комиссияси қарори билан аниқланган ноаниқликларни унинг офертасини кўриб чиқиш давомида тузатишига рухсат этилиши мумкин.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар танлов савдолари тартиботларида қатнашишга қўйилмайди.

### 1.4. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солиш

Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки танлов савдоларида қатнашишга таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;

танлов савдолари предметини маблағ билан таъминлаш манбалари;

танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;

танлов савдолари предметини сотиш муддати;

талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;

танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;

оферталарни тақдим этиш жойи, охирги куни ва вақти;

оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари ва (ёки) талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Буюртмачининг қарорига кўра хорижий пудратчилар (етказиб берувчилар) танлов савдоларида қатнашишга таклиф этилиши мумкин. Бунда эълон, қоидага кўра, энг оммавий даврий нашрларда, газеталарда, web-сайтда ва (ёки) БМТнинг Development Business нашрида, шунингдек хорижий мамлакатларнинг элчихоналари орқали таклифномалар жўнатиш воситасида амалга оширилади.

Оферталарни тақдим этиш муддати эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб камида ўттиз кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб ўттиз беш кунни ташкил этиши керак.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

Умумий қисмга қуйидагилар киради:

танлов савдоларида қатнашишга таклифнома;

товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан шартноманинг умумий шартлари;

талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртманомалари шакли;

талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий аҳволини баҳолаш талаблари ва мезонларини, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари ғолибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига таалluқли бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган йўриқнома.

Техник қисм қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми ишлар (хизматлар)ни бажариш ва (ёки) товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметини сотиш муддатидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади.

Буюртмачи томонидан эълон қилинган нарх билан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда танлов савдолари предметининг бошланғич нархи эълон ва таклифномада кўрсатилади. Бунда танлов савдолари танлов савдолари предметининг бошланғич нархини пасайтириш юзасидан ўтказилади.

Оферталарни тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади.

Тақдим этилаётган оферта танлов ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Хорижий пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдорида ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари - резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

Танлов ва талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлашга ва маркировка қилишга, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларига шартлар ва талаблар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Оферталарни тақдим этиш муддати тугагунгача танлов савдолари ташкилотчиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир, ташкилотчи улар тўғрисида танлов ҳужжатларини олган талабгорларга дарҳол хабар қилиши, оферталарни тақдим этиш муддатини офертага тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақтга узайтириши керак.

Танлов ҳужжатлари улар учун тўлов тўлангандан кейин тақдим этилади.

Тўлов миқдори буюртмачи ва (ёки) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан, танлов ҳужжатларини кўпайтириш ва тарқатиш қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Танлов савдолари ташкилотчиси талабгорнинг сўровига кўра танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ бўлган саволларга ёзма равишда жавоб бериши, танлов савдоларининг барча қатнашчиларига жавобни сўров манбаини кўрсатмасдан юбориши шарт.

Танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ва (ёки) талабгорлар ўртасида хабарлар, билдиришномалар ва бошқа ахборотларни алмашиш танлов ҳужжатлари таркибида тасдиқланган шакл бўйича ёзма равишда амалга оширилади.

Офертанинг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Оферта уни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагунгача қайтариб олиниши мумкин.

Талабгорнинг имзоси ва муҳри қўйилган оферта савдолар ташкилотчисига конвертга солиб елимланган ҳолда жўнатилади.

Тақдим этиш муддати тугагандан кейин олинган оферта кўриб чиқилмайди.

Офертани тақдим этиш санаси танлов савдолари ташкилотчисининг почта билдиришномасидаги оферта олинганлиги тўғрисидаги қайд бўйича ёки танлов савдолари ташкилотчисининг оферентга берилган (оферта чопар орқали етказиб бериладиган ҳол) оферта олинганлиги тўғрисидаги билдиришномаси санаси бўйича белгиланади.

Талабгор оферта таркибида танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани танлов ҳужжатларида кўрсатилган, лекин танлов савдолари предмети ҳисоблаб чиқилган қийматининг кўпи билан 2 фоизи миқдорида таъминлашни тақдим этади.

Таъминлашнинг амал қилиш муддати офертанинг амал қилиш муддатидан кам бўлмаслиги керак.

Буюртмачи танлов ҳужжатларида таъминлаш кафилининг ишончлилиги бўйича талабларни, унинг шаклларини ва танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлашдан фойдаланиш тартибини белгилаши мумкин.

Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

танлов савдолари ғолибига - шартнома тузилгандан кейин, шартнома ижросини талаб қилинадиган таъминлаш тақдим этилгач;

қолган оферентларга - танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузилгандан кейин, лекин офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

офертани қайтариб олган оферентга - уни тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагунгача қайтарилади.

Буюртманомани таъминлаш уни қайтариш учун асос пайдо бўлган вақтдан бошлаб ўн кун мобайнида қайтарилади.

Танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш:

офертани тақдим этишнинг охирги куни ва вақти тугагач офертани ўзгартирган ёки уни қайтариб олган оферентга;

танлов савдолари ғолибига - оферта унинг амал қилиш даврида қайтариб олинганда, танлов ҳужжатларида белгиланган шартларда шартнома тузиш ёки шартнома ижросининг талаб қилинадиган таъминланишини тақдим қилиш рад этилганда қайтарилмайди.

Танлов савдолари, қоидага кўра, буюртмачи жойлашган жойда ўтказилади.

Мажлис вақтида оферталар солинган конвертлар очилади, шартлар ва тартиботларга риоя қилиниши, танлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.

Оферталар солинган конвертларни очиш қатнашиш истагини билдиришган оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Танлов комиссияси мажлиси натижалари протокол билан расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси мажлислари натижалари тўғрисидаги ахборот қатнашмаган оферентга ёзма шаклда етказилади.

Ҳужжатлар пакетида танлов ҳужжатлари талабларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан оферентга қайтарилади.

Танлов комиссияси танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларни улар бошқа қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмайдиган ва уларга йўл қўйган танлов савдолари қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда эътиборга олмаслиги мумкин.

Танлов ҳужжатлари шартларига жавоб берадиган оферталар бўйича оферентнинг исми (номи), малака маълумотлари, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатлари, шунингдек оферент томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ киритилган қўшимча таклифлар ҳисобга олинади.

Танлов комиссияси мажлисида офертани кўриб чиқиш давомида оферент томонидан офертанинг мазмуни тушунтириб берилишига йўл қўйилади.

Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

Офертада арифметик хатолар мавжудлиги аниқланган тақдирда сўзлар билан кўрсатилган якуний сумма тўғри миқдор сифатида қабул қилинади.

Савдоларнинг туридан қатъи назар, танлов савдолари ғолиби танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Танлов савдолари ғолиби танлов савдолари қатнашчилари иштирокида эълон қилинади, иштирок этмаган қатнашчилар хабардор қилинади.

Офертаварни кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги ахборот ошкор қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Танлов комиссиясининг ҳар бир мажлисида протокол юритилади.

Қоидага кўра, бу - талабгор малакасини олдиндан аниқлаш, конвертларни очиш, танлов савдолари ғолибларини аниқлаш ва танлов савдолари ўтказиш тартиботи билан боғлиқ бўлган бошқа протоколлардир.

Танлов савдолари буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Буюртмачи "Давархитектқурилиш" қўмитаси билан келишилган кундан бошлаб беш кун муддатда оммавий ахборот воситаларида танлов савдолари натижалари (предмети, ғолиби, инвестиция лойиҳасининг шартномавий нархи ва уни амалга ошириш муддати) тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.

Танлов савдолари ўтказилмаган ҳисобланади агар:

офертаварни тақдим этиш муддатида учтадан кам оферта тушса;

оферталар танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

офертаварда танлов савдоларида қатнашишга буюртманомани таъминлаш кафолати мавжуд бўлмаса;

оферентлар томонидан таклиф этилган нархлар танлов савдолари предмети бошланғич қийматидан анча ортиқ бўлса;

"Даврхитектқурилиш" қўмитаси билан келишув бўйича танлов комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса.

Танлов савдоларининг ўтказилмаган деб эълон қилиниши асосий қатнашчилардан биронтасининг мулкий ёки бошқача тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

Агар танлов савдолари ўтказилмаган деб эътироф этилса танлов савдолари такроран ўтказилади, бунда танлов ҳужжатлари шартларининг қайтадан кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси улар тугаллангандан кейин танлов савдолари ғолибига беш кундан кечикмай ёзма билдиришнома жўнатади.

Шартнома танлов савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда тузилади.

Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки шартнома ижросини таъминлашни белгиланган муддатда тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

Шартнома ижросини таъминлаш миқдори буюртмачи томонидан, лекин танлов савдоларида белгиланган қийматнинг кўпи билан 10 фоизи миқдорида белгиланади.

Танлов савдолари натжалари бўйича тузилган, эркин муомаладаги валютада амалга ошириладиган шартномани рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида амалга оширилади.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдоларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг методлари ва усулларининг асосланганлигини аниқлаш, танлов савдоларини ташкил этиш, танлов савдоларини ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш мониторинги "Даврхитектқурилиш" қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Танлов ҳужжатлари экспертизаси шартнома асосида ўтказилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси томонидан танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шартларига ҳамда Низомга риоя қилиниши танлов ҳужжатлари экспертизаси предмети ҳисобланади.

Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

танлов савдолари предмети ва ташкилотчиси тўғрисидаги маълумотлар;

танлов ҳужжатлари;

танлов комиссиясини тайинлаш ва унинг таркиби тўғрисидаги буйруқ;

молиявий ресурсларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар (кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқалар). Зарур ҳолларда экспертиза органи савдолар ташкилотчисидан қўшимча маълумотларни сўраб олади.

Импорт товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилишда буюртмачи танлов ҳужжатлари таркибида Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг нархлар конъюнктураси бўйича хулосасини тақдим этади.

Танлов ҳужжатлари экспертизаси "Даварxитектқурилиш" қўмитаси томонидан тасдиқланган қурилиш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ўтказилади.

Танлов ҳужжатлари экспертизаси ва экспертиза органи томонидан тегишли хулосани бериш ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

Такрорий экспертиза беш кун муддатда ўтказилади.

Қуйидагилар мониторинг объекти ҳисобланади:

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартнома тузиш;

лойиҳани амалга оширишда танлов савдолари шартларининг бажарилиши;

ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси;

қурилиши тугалланган объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш.

Мониторинг буюртмачи ва пудратчи томонидан томонларнинг танлов савдолари шартларини бажариши тўғрисида "Давархитектқурилиш" қўмитаси ҳудудий бошқармасига ҳар ойда тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади.

Мониторинг натижаларини умумлаштириш "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида белгиланган нарх қатъий нарх ҳисобланади.

Биринчи молиявий йил мобайнида нархларга ҳамда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш юзасидан шартномани бажариш муддатига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Иккинчи йил ва ундан кейинги йиллар учун шартнома нархларига тузатишлар киритиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Танлов савдолари ғолиби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда объект қурилишининг суғурта қилинишини таъминлайди.

Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар шартнома асосида амалга оширилади.

Танлов савдолари танлов савдолари предметини сотишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли бекор қилинган тақдирда уларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги харажатлар бўйича буюртмачи томонидан қопланади.

Танлов савдолари қатнашчилари қонун ҳужжатларига ва ушбу Низом талабларига мувофиқ жавоб берадилар.

Буюртмачи қуйидагиларга жавоб беради:

танлов комиссиясини шакллантиришда унинг таркибига оид талабларга риоя этилиши;

танлов савдолари предмети учун назарда тутилмаган шакллар бўйича танлов савдоларини амалга ошириш имконини берадиган унинг қийматини камайтириш мақсадида танлов савдолари предметини бўлишга йўл қўйилиши;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузиш муддатининг бузилиши;

шартномада келишилган муддатларда физик, сифатга доир ва техник параметрлар бўйича шартнома шартларининг бажарилмаганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги учун нотўғри ахборот тақдим этилганлиги;

томонлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши тугаллангандан кейин уч йил мобайнида оферталар оригиналларининг сақланмаганлиги;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиботларининг бошқача бузилишлари учун.

Агар унинг учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома тузиш шарт бўлган буюртмачи шартномани тузишдан воз кечса ёки бош тортса танлов савдолари ғолиби шартномани тузиш ёки етказилган зарарни ва бой берилган фойдани ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси жавоб беради:

оферталар тақдим этиш муддати тугагунгача танлов ҳужжатларига танлов ҳужжатларини олишган талабгорларга ўз вақтида хабар қилмасдан ва офертага тузатишлар киритиш учун етарли бўлган вақт учун оферталарни тақдим этиш муддатини узайтирмасдан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосасисиз чоп этганлик;

аризалар ва оферталарни қабул қилиб олишни рад этганлик, уларни ҳисобга олишни таъминламаганлик, конвертларни очишгача уларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминламаганлик;

танлов савдоларини ўтказиш тартиботи бузилганлиги;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиботининг бошқача бузилишлари учун.

Танлов комиссияси жавоб беради:

танлов савдоларини ўтказиш тартиботлари босқичлари бўйича кам овоз билан ва (ёки) танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олмасдан қарор қабул қилинганлиги;

талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб қилиниши;

талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги;

талабгорлар (оферентлар)нинг малака маълумотларига нисбатан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;

танлов савдоларида қатнашишга:

муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг;

қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорларнинг қўйилганлиги;

талабгор (оферент)нинг танлов савдолари тартиботида қатнашишдан асоссиз равишда четлатилганлиги;

танлов савдоларининг бошқа қатнашчилари рейтингига таъсир қилмайдиган, уларга йўл қўйган танлов савдолари қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларга номувофиқлиги эътиборга олинганлиги;

оферта мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;

офертани танлов комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентнинг тушунтириш беришига асоссиз равишда йўл қўйилмаганлиги;

ахборотнинг ошкор қилинганлиги, савдолар қатнашчиларининг ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар билан келишувига йўл қўйилганлиги, шунингдек қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатлар қилинганлиги;

танлов савдолари ғолибининг танлов комиссиясининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов савдолари ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчиларнинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;

танлов савдолари тартиботининг бошқача бузилишлари учун.

Танлов савдолари ғолиби жавоб беради:

физик, сифатга доир ва техник параметрлар бўйича шартнома шартларининг шартномада назарда тутилган муддатларда бажарилмаганлиги;

танлов шартларининг бажарилиши мониторинги натижаларининг бузилганлиги;

танлов шартлари ва шартноманинг бошқача бузилишлари учун.

Агар танлов савдолари ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартнома бажарилиши таъминланишини тақдим этмаса, у ҳолда буюртмачи танлов комиссияси билан биргаликда офертаси иккинчи баҳони олган оферентни танлов савдолари ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлов савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

## I боб бўйича хулоса

# II БОБ. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

## 2.1. Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази фаолияти тавсифи

Танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шартнома асосида қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари орқали амалга оширилади. Марказнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 6б-иловада қабул қилинган «Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази тўғрисида намунавий низом» орқали тартибга солинади.

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига ҳисоб беради.

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасининг буйруқлари ва фармойишларига амал қилади.

Қуйидагилар Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шартнома асосида қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартномалар тузиш, танлов савдолари шартлари ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишда ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалининг бажарилиши,

шунингдек марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган қурилиши тугалланган объектнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши мониторингини олиб бориш;

шартнома асосида қурилишда танлов савдолари мавзуининг дастлабки қийматини белгилаш бўйича хизматлар кўрсатиш;

қурилиш маҳсулотининг, шу жумладан "элементлар қиймати" усули билан, шартномавий жорий нархини аниқлаш бўйича методик тавсияларни, нархларни шакллантиришни янада такомиллаштириш, қурилишни ташкил этиш ва капитал қурилишда янги технологияларни жорий этиш бўйича норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатнашиш;

қурилишда ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари саноатида нархлар шаклланишига таъсир қилувчи омилларни тўплаш, таҳлил қилиш, уларни қайта ишлаш ва умумлаштириш;

қурилиш ишларига ва тайёр қурилиш маҳсулотига нархлар, юкларни ташишга тарифлар, материалларни ташиш шартлари ва масофаларининг ўзгариши мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш;

маҳаллий тайёрловчи заводлар томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг нархи тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

нархларни шакллантириш бўйича янги смета нормативларини яратиш учун бошланғич ахборотларни тўплаш ва дастлабки таҳлил қилиш;

капитал қурилиш, лойиҳалаштириш ва қийматни аниқлаш юзасидан комплекс масалалар бўйича вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга консалтинг хизматлари кўрсатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси "Даварxитектқурилиш" қўмитаси томонидан берилган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни бажариш.

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

аризалар ва оферталар қабул қилинишини ташкил этади, уларнинг ҳисобга олинишини, сақланишини ва махфийлигини таъминлайди;

буюртмачи билан биргаликда қурилишда танлов савдоларини ўтказиш тартиботини белгилайди;

Қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом шартлари ва талабларига риоя қилган ҳолда танлов савдолари мавзуига қўйиладиган танлов ҳужжатларини ишлаб чиқади;

танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига тақдим этади;

танлов ҳужжатларида белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон бериш учун материалларни тайёрлайди ва/ёки потенциал талабгорларга таклифномалар юборилишини таъминлайди;

буюртмачи томонидан жалб қилинадиган мустақил экспертлар ёки консультантлар ишини ташкил этади;

талабгорларга танлов ҳужжатларини сотади;

оферталар очилгандан кейин уларни буюртмачига беради;

буюртмачига танлов савдолари якунлари бўйича буюртмачи ҳисоботини тузишда кўмаклашади;

буюртмачи ва пудратчи томонидан тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб боради ҳамда танлов савдолари ва танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар бажарилиши мониторинги натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига ҳар ойлик ҳисоботни тақдим этади;

семинарлар ўтказади, кадрларни танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тасдиқланган тартиботини, танлов савдолари натижалари

бўйича тузилган шартномалар шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши мониторингини амалиётда қўллаш бўйича ўқитади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, қурилиш таннархи пасайтирилишини ва қурилиш ишлаб чиқариши иқтисодий рағбатлантирилишини таъминловчи қурилишда иқтисодий ишларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасининг Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш марказига киритади;

капитал қурилишда иқтисодий ва ташкилий ислоҳотлар амалга оширилиши, қурилиш материаллари, алоҳида ва махсус ишлар нархларининг, қурилиш механизмларини ишлатиш ва қурилиш юкларини ташиш, тайёр қурилиш маҳсулоти харажатлари ўзгариши мониторингини олиб боради;

ўз ваколатлари доирасида инвестиция жараёни қатнашчилари ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади, улар юзасидан қарорлар тайёрлайди ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитасига ёки тегишли органларга киритади;

нархларни шакллантириш бўйича дастурий воситаларни, норматив ҳужжатларнинг электрон вариантларини сотиб олади, тарқатади;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази ўзига юкланган функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳаллий давлат бошқаруви органларидан ва бошқа ташкилотлардан Марказга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материалларни сўраш ва олиш;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш мақсадида қурилишнинг боришини ўрганиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш;

қонун ҳужжатларини ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом талабларини бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда буюртмачига хизматларни сотиб олишни тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг лойиҳалаштириш, илмий-тадқиқот ташкилотларини ва бошқа ташкилотларини, олимлар ва мутахассисларни улар меҳнатига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаган ҳолда, белгиланган тартибда ишга жалб қилиш;

қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида "Давархитектқурилиш" қўмитасига таклифлар киритиш.

Марказ ўзига юкланган функционал вазифаларнинг зарур даражада бажарилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази фаолиятига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор амалга оширади.

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази директори:

Марказга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси билан келишган ҳолда Марказнинг штат жадвалини тасдиқлайди;

Марказ фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича барча органларда ва корхоналарда Марказ номидан вакиллик қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қуйидагилар марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

- шартнома асосида танлов ҳужжатларини ишлаб чиққанлик, қурилишда танлов савдоларини ташкил этганлик ва ўтказганлик;
- нархларни шакллантириш, шартнома асосида савдо мавзуининг дастлабки қийматини аниқлаш масалалари бўйича консалтинг хизматлари кўрсатганлик;
- қурилиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган хизматларнинг бошқа турларини амалга оширганлик учун олинадиган даромадлар.

Марказ ҳар ойда "Даврахитектқурилиш" қўмитаси таъминоти учун ўз даромадларининг 10 фоизи миқдорида маблағ ўтказади. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 302 сонли қарорига мувофиқ, капитал қурилишда танлов савдоларини ўтказиш механанизмини янада такомиллаштириш мақсадида, 2013 йилда қурилиши, реконструкция ва капитал таъмирлашни режалаштирилган объектларга ўтказиладиган танлов савдолари учун намунавий (типовой) танлов хужжатлари ишлаб чиқилди. Жумладан аввалги йиллардан фарқи шундаки пудратчи ташкилотларнинг малакавий кўрсаткичларига этибор берилган ҳолда баллар билан боҳолаш тизими мукаммаллаштирилди, малакавий кўрсаткичлари ва молиявий кўрсаткичларидаги баҳолаш мезонлари тенглаштирилди. Натижада танлов савдоларида катта муҳим стратегик объектларда салоҳиятли, тажрибага эга, ишчи мутахассислари бор ва қурилиш техникаси мавжуд талабгор ташкилотларнинг ғолиб деб топилиши учун бир қанча имкониятлар яратилди.

2013 йилда қурилиши режалаштирилган ҳамда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механизимини янада такомиллаштириш мақсадида Осиё Тараққиёт банки томонидан тақдим этилган HIRD стандартидаги

танлов хужжатларига ўзгартиришлар бўйича бир қатор тегишли таклифлар ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан:

- Осиё тараққиёт банки томонидан тасдиқланган намунавий тендер ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб соддалаштирилиши натижасида, танлов тартиботлари қисқартирилди, тақдим этиладиган оферталарнинг сони 5 та нусҳадан, 3 та нусҳагача камайтирилди;

- Тендер комиссияларининг намунавий Иш Регламента қайта ишлаб чиқилди ва Осиё Тараққиёт банки томонидан қабул килинди;

- Тендер комиссияларининг юритиши лозим бўлган баённомларнинг шаблон куринишидаги намуналари қайта ишлаб чиқилди ва Осиё Тараққиёт банки томонидан қабул қилинди, натижада, танлов комиссияларининг ҳар бир лот бўйича 7 та баённомалари 6 тагача қисқартирилди;

- 2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш бўйича Осий Тараққиёт банки томонидан тасдиқланган тендер хужжатлари асосида Лотларга бирлаштирилган уй-жойларга тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилди:

- Осиё Тараққиёти банкининг семинар-йиғилишларида, форумлар ташкил этилиб Қўмита вакили сифатида иштирок этилди, шунингдек, пудратчилар учун худудларга чиқиб семинарлар ўтказилди.

## 2.2. Капитал қурилишда танлов савдолари ҳужжатларини баҳолаш кўрсаткичлари ва натижалари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Инвевстиция дастурига киритилган объектлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2013 йилда 2049 та объект манзилли рўйхатга киритилган бўлиб, шундан 1696 таси янги объектлар, 353 таси аввалги йиллардан ўтувчи. Шунингдек, 23 та объект Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг баённомасига асосан тўғридан-тўғри, яъни танлов савдолари ўтказилмасдан пудратчи билан шартнома тузилган. (2.1.жадвалда келтирилган). Жадвалдан кўриниб турибдики

вилоятларда ҳамда Тошкент шахрида хам кўплаб объектлар қурилиш келтириб ўтилган. Манзилли рўйхатга киритилаган Андижон вилятида 155 та, Самарқанд вилоятида 136 та, Қашқадарё вилоятида 122 та ва бошқа вилоятларда 100 лаб объектлар қурилган.

**2.1-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда манзилли дастурига киритилган объектлар таркиби[30]**

| № | Вилоятлар номи | Манзилли рўйхатга киритилган объектлар жами | Шу жумладан | | ВМ баённома қарорига асосан тўғри шартнома тузилган объектлар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ўтувчи объектлар | Янги объектлар | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **Жами** | **2049** | **353** | **1696** | **23** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 84 | 4 | 80 | |
| 2 | Андижон вилояти | 155 | 1 | 154 | |
| 3 | Бухоро вилояти | 72 | 2 | 70 | 1 |
| 4 | Жиззах вилояти | 75 | 2 | 73 | |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 122 | 1 | 121 | |
| 6 | Навоий вилояти. | 91 | 5 | 86 | |
| 7 | Наманган вилояти | 69 | 2 | 67 | |
| 8 | Самарқанд вилояти | 136 | 3 | 133 | |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 90 | 1 | 89 | |
| 10 | Сирдарё вилояти | 56 | 2 | 54 | |
| 11 | Тошкент вилояти | 86 | 1 | 85 | |
| 12 | Фарғона вилояти | 110 | 2 | 108 | 3 |
| 13 | Хоразм вилояти | 70 | 1 | 69 | |
| 14 | Тошкент шаҳри | 58 | 2 | 56 | 1 |

[30] Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази маълумотлари

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Вазирликлар, ташкилотлар, бюджетдан ташқари фондлар | 775 | 324 | 451 | 18 |

Янгидан бошланувчи **1696** та объектлардан:

- қиймати **1 377,1** млрд. сўмлик **1668** та объектлар учун танлов савдолари ўтказилган;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва топшириқларига асосан **23** та объектлар учун тўғридан-тўғри шартномалар тузилди.

Танлов савдоларини ўтказилиши натижасида **49,4** млрд.сўмдан ортиқ маблағ шартли иқтисод қилинишига эришилди. (буюртмачининг бошланғич нархларига нисбатан 3,7 фоиз). Танлов савдоларида турли мулкчилик шаклига мансуб **5830** ташкилотлар иштирок этишди.




**2.1-расм. 2013 йилда янгидан қурилишни бошлаган объектлар вилоятлар кесимида**

Мамлакатимизда кўплаб қурилишлар бўлиб ўтмоқда шу билан бирга 2013 йилда вилоятларимизда худудларида қурилишлар бўлиб ўтди. Қароқалпоғистон Республикасида 80 та, Андижон вилоятида 154 та, Бухоро вилоятида 70та, Жиззах вилоятида 73 та, Қашқадарё вилоятида 121 та, Навоий

вилоятида 86 та, Наманган вилоятида 67та, Самарқанд вилоятида 133 та, Сурхандарё вилоятида 89 та, Сирдарё вилоятида 54 та Тошкент вилоятида 85 та, Фарғона вилоятида 108 та, Хоразм вилоятида 69 та ва пойтахтимизда 56та янгидан қурилиш обектлари қурилиб битказилди.

2014 йилда 2222 та объект манзилли рўйхатга киритилган бўлиб, шундан 1945 таси янги объектлар, 277 таси 2013 йилдан ўтаётган объектлар ҳисобланади.

Янгидан бошланувчи объектлардан:

- қиймати 1 856,0 млрд. сўмлик 1834 та объектлар учун танлов савдолари ўтказилди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва топшириқларига асосан 111 та объектлар учун тўғридан-тўғри шартномалар тузилди.

Танлов савдоларини ўтказилиши натижасида 50,4 млрд.сўмдан ортиқ маблағ шартли равишда иқтисод қилинишига эришилди. (буюртмачининг бошланғич нархларига нисбатан 3,0 фоиз). Танлов савдоларида турли мулкчилик шаклига мансуб 6155 та ташкилотлар иштирок этишди

**2.2-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда манзилли дастурига киритилган объектлар[31]**

| № | Ҳудудлар | Объектлар сони | Шу жумладан | | ВМ қарорига мувофиқ тўғридан-тўғри шартнома тузишга руҳсат этилаг объектлар сони |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Йилдан йилгат ўтувчи | Янгидан бошланад иган объектлар | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **Жами:** | **2222** | **277** | **1945** | **111** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 105 | 6 | 99 | |
| 2 | Андижон вилояти | 204 | | 204 | |
| 3 | Бухоро вилояти | 104 | 5 | 99 | 1 |

[31] Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази маълумотлари

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4 | Жиззах вилояти | 101 | 1 | 100 | 3 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 167 | 16 | 151 | |
| 6 | Навоий вилояти | 67 | 3 | 64 | |
| 7 | Наманган вилояти | 92 | 3 | 89 | |
| 8 | Самарқанд вилояти | 212 | 10 | 202 | |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 133 | 7 | 126 | |
| 10 | Сирдарё вилояти | 96 | | 96 | |
| 11 | Тошкент вилояти | 92 | 3 | 89 | |
| 12 | Фарғона вилояти | 135 | 10 | 125 | 1 |
| 13 | Хоразм вилояти | 112 | 5 | 107 | 50 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 65 | 4 | 61 | 3 |
| | Вазирликлар, ташкилотлар, бюджетдан ташқари фондлар | 537 | 204 | 333 | 53 |

Дастур доирасида марказлашган маблағлар ҳисобига вилоятлар ҳокимликлари буюртмачи бўлган 1685 та ҳамда вазирлик ва идоралар буюртмачи бўлган 537 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш – таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.



**2.2-расм. 2014 йилда янгидан қурилишни бошлаган объектлар вилоятлар кесимида**[32]

Респубикамизда 2014йилда қурилишлар бўлиб ўтмоқда шу билан бирга вилоятларимиз худудларида қурилишлар бўлиб ўтди. Қароқалпоғистон Республикасида 99 та, Андижон вилоятида 204 та, Бухоро вилоятида 99 та, Жиззах вилоятида 100 та, Қашқадарё вилоятида 151 та, Навоий вилоятида 64 та, Наманган вилоятида 89 та, Самарқанд вилоятида 202 та, Сурхандарё вилоятида 126 та, Сирдарё вилоятида 96 та Тошкент вилоятида 98 та, Фарғона вилоятида 125 та, Хоразм вилоятида 107 та ва пойтахтимизда 61 та янгидан қурилиш обектлари қурилиб битказилди. Кўриниб турибдики Андижон ва Самарқанд вилоятларида кўплаб объектлар қурилиши бўлиб тендер савдолари ўтказилган.

Вилоятлар ҳокимликлари буюртмачи бўлган 1685 та объектлардан 73 таси йилдан-йилга ўтувчи, 1612 таси янгидан бошланувчидир.

Янгидан бошланувчи объектлардан 1554 таси бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари кўра пудрат ташкилотлари аниқланди, 58 та объектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазарлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида танлов савдоларисиз пудрат ташкилотлари тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан 2013 йилда 1668 та танлов савдолари ўтказилган. Ушбу танлов савдолари объектларининг бошланғич қиймати 1377148 млн.сўмни ташкил этган, танлов савдолари натижасида ғолиб бўлган талабгорларнинг нархи, яъни шартномавий жорий нархи 132664,3 млн сўмни ташкил этган, яъни бошланғич нархдан 49461,6 млн сўмга тушган. 2014 йилда бошланғич қиймати 1 856 002,8 млн.сўмни ташкил этган, танлов савдолари натижасида ғолиб бўлган талабгорларнинг нархи, яъни шартномавий жорий нархи 1 799

[32] Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази маълумотлари

680,68 млн сўмни ташкил этган, яъни бошланғич нархдан 50448,1 млн сўмга тушган.




**2.3-расм. 2013 йилда ўтказилган танлов савдоларининг ғолиби бошланғич қиймати, млн. сўм[33]**

Юқоридаги диаграммада вилоятлар бўйича бир танлов савдоларининг ўртача бошланғич қиймати кўрсатилган. Диаграммадан кўринадики, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида энг юқори қиймат, жумладан 3651.4 млн.сўм ва 4001.9 млн сўм маблағлар тежалган. Шунингдек қолган вилоятларда ҳам кўплаб маблағлар тежалган.

**2.3-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда ўтказилган танлов савдоларининг асосий кўрсаткичлари [34]**

| № | Вилоятлар номи | Ўтказилган танлов | Бошланғич нарх | Танлов савдолари | Маблағларни шартли |
|---|---|---|---|---|---|

[33] Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази маълумотлари
[34] Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази маълумотлари

| | | савдолари (дона) | (млн.сўм) | ғолиби нархи (млн.сўм) | тежаш (млн.сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **Жами** | **1668** | **1377148** | **1326643,2** | **49461,6** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 80 | 68814,5 | 66731,2 | 2083,3 |
| 2 | Андижон вилояти | 154 | 59020,2 | 55900,3 | 3119,9 |
| 3 | Бухоро вилояти | 68 | 50593 | 48475,4 | 2117,6 |
| 4 | Жиззах вилояти | 73 | 36265,4 | 34323,4 | 1942 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 121 | 104789,7 | 101138,3 | 3651,4 |
| 6 | Навоий вилояти | 86 | 44716,1 | 43445,1 | 1271 |
| 7 | Наманган вилояти | 67 | 36844,5 | 36242,5 | 602 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 133 | 111591,3 | 107589,4 | 4001,9 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 89 | 66822,1 | 64950,9 | 1871,2 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 54 | 33631 | 33396,8 | 234,2 |
| 11 | Тошкент вилояти | 85 | 69942,9 | 67602,1 | 2340,8 |
| 12 | Фарғона вилояти | 105 | 67301,6 | 63734,5 | 3567,1 |
| 13 | Хоразм вилояти | 69 | 36437,6 | 34743,3 | 1694,3 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 55 | 75226,1 | 73239,3 | 1986,8 |
| | Вазирликлар, ташкилотлар, бюджетдан ташқари фондлар | 429 | 515151,7 | 495130,7 | 18978,1 |

Жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда 2013 йилда қурилиш ишлари давом Қорақалпоғистон Республикасида 80 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 68814,5 млн.сўм танлов савдоларидаги 66731,2 млн.сўм белгиланди. Бунда 2083,3 млн.сўм тежалди., Андижон вилояти 154 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 59020,2 млн.сўм танлов савдоларидаги 55900,3 млн.сўм белгиланди. Бунда 3119,9

млн.сўм тежалди., Бухоро вилояти 68 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 50593 млн.сўм танлов савдоларидаги 48475,4 млн.сўм белгиланди. Бунда 2117,6 млн.сўм тежалди., Жиззах вилояти 73 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 36265,4 млн.сўм танлов савдоларидаги 34323,4 млн.сўм белгиланди. Бунда 1942 млн.сўм тежалди., Қашқадарё вилояти 121 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 104789,7 млн.сўм танлов савдоларидаги 101138,3 млн.сўм белгиланди. Бунда 3651,4 млн.сўм тежалди., Навоий вилояти 86 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 44716,1 млн.сўм танлов савдоларидаги 43445,1 млн.сўм белгиланди. Бунда 1271 млн.сўм тежалди., Наманган вилояти 67 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 36844,5 млн.сўм танлов савдоларидаги 36242,5 млн.сўм белгиланди. Бунда 602 млн.сўм тежалди., Самарқанд вилояти 133 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 111591,3 млн.сўм танлов савдоларидаги 107589,4 млн.сўм белгиланди. Бунда 4001,9 млн.сўм тежалди., Сурхондарё вилояти 89 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 66822,1 млн.сўм танлов савдоларидаги 64950,9 млн.сўм белгиланди. Бунда 1871,2 млн.сўм тежалди., Сирдарё вилояти, 54 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 33631 млн.сўм танлов савдоларидаги 33396,8 млн.сўм белгиланди. Бунда 234,2 млн.сўм тежалди., Тошкент вилояти 85 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 69942,9 млн.сўм танлов савдоларидаги 67602,1 млн.сўм белгиланди. Бунда 2340,8 млн.сўм тежалди., Фарғона вилояти 105 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 67301,6 млн.сўм танлов савдоларидаги 63734,5 млн.сўм белгиланди. Бунда 3567,1 млн.сўм тежалди., Хоразм вилояти 69 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 36437,6 млн.сўм танлов савдоларидаги 34743,3 млн.сўм белгиланди. Бунда 1694,3 млн.сўм тежалди., Тошкент шаҳри 55 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 75226,1 млн.сўм танлов савдоларидаги 73239,3 млн.сўм белгиланди. Бунда 1986,8 млн.сўм тежалди., Вазирликлар, ташкилотлар, бюджетдан ташқари фондларда хам қурилиш амалга оширлган бунда 429 та танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи

515151,7 млн.сўм танлов савдоларидаги 495130,7 млн.сўм белгиланди. Бунда 18978,1 млн.сўм тежалди.

**2.4-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ўтказилган танлов савдоларининг асосий кўрсаткичлари** [35]

| № | Ҳудудлар | Танлов савдолари ўтказилган объектлар сони | Бошланғич нарх (млн сўм) | Танлов савдоларида ғолиб чиққанлар нархи (млн.сўм) | Шартли иқтисод қилинди |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | Жами: | 1834 | 1856002,8 | 1799680,68 | 50448,1 |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 99 | 124200,2 | 120317,86 | 3882 |
| 2 | Андижон вилояти | 204 | 132685,43 | 128072,46 | 4507 |
| 3 | Бухоро вилояти | 98 | 62443,819 | 60859,99 | 1584 |
| 4 | Жиззах вилояти | 97 | 48833,198 | 46434,724 | 2398 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 151 | 80572,708 | 78469,2105 | 2104 |
| 6 | Навоий вилояти | 64 | 51202,708 | 49932,304 | 1270 |
| 7 | Наманган вилояти | 89 | 59792,474 | 58400,1995 | 1392 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 202 | 97984,543 | 95140,7535 | 2844 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 126 | 83483,592 | 81398,395 | 2085 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 96 | 46293 | 45879 | 414 |
| 11 | Тошкент вилояти | 89 | 84736,1 | 82087,73 | 2648 |
| 12 | Фарғона вилояти | 124 | 59943,759 | 57622,815 | 2321 |
| 13 | Хоразм вилояти | 57 | 59388,051 | 57643,633 | 1744 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 58 | 73712,392 | 71810,432 | 1902 |
| | Вазирликлар, ташкилотлар, бюджетдан ташқари фондлар | 280 | 790731 | 765611 | 19351 |

[35] Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази маълумотлари

Жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимизда 2014 йилда қурилиш ишлари давом Қорақалпоғистон Республикасида 99 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 124200,2 млн.сўм танлов савдоларидаги 120317,86 млн.сўм белгиланди. Бунда 3882 млн.сўм тежалди., Андижон вилояти 204 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 132685,43 млн.сўм танлов савдоларидаги 128072,46 млн.сўм белгиланди. Бунда 4507 млн.сўм тежалди., Бухоро вилояти 98 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 62443,819 млн.сўм танлов савдоларидаги 60859,99 млн.сўм белгиланди. Бунда 1584 млн.сўм тежалди., Жиззах вилояти 97 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 48833,198 млн.сўм танлов савдоларидаги 46434,724 млн.сўм белгиланди. Бунда 2398 млн.сўм тежалди., Қашқадарё вилояти 151 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 80572,708 млн.сўм танлов савдоларидаги 78469,2105 млн.сўм белгиланди. Бунда 2104 млн.сўм тежалди., Навоий вилояти 64 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 51202,708 млн.сўм танлов савдоларидаги 49932,304 млн.сўм белгиланди. Бунда 1270 млн.сўм тежалди., Наманган вилояти 89 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 59792,474 млн.сўм танлов савдоларидаги 58400,1995 млн.сўм белгиланди. Бунда 1392 млн.сўм тежалди., Самарқанд вилояти 202 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 97984,543 млн.сўм танлов савдоларидаги 95140,7535 млн.сўм белгиланди. Бунда 2844 млн.сўм тежалди., Сурхондарё вилояти 126 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 83483,592 млн.сўм танлов савдоларидаги 81398,395 млн.сўм белгиланди. Бунда 2085 млн.сўм тежалди., Сирдарё вилояти, 96 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 46293 млн.сўм танлов савдоларидаги 45879 млн.сўм белгиланди. Бунда 414 млн.сўм тежалди., Тошкент вилояти 89 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 84736,1 млн.сўм танлов савдоларидаги 82087,73 млн.сўм белгиланди. Бунда 2648 млн.сўм тежалди., Фарғона вилояти 124 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 59943,759 млн.сўм танлов савдоларидаги 57622,815

млн.сўм белгиланди. Бунда 2321 млн.сўм тежалди., Хоразм вилояти 57 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 59388,051 млн.сўм танлов савдоларидаги 57643,633 млн.сўм белгиланди. Бунда 1744 млн.сўм тежалди., Тошкент шаҳри 58 та объектлар танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 73712,392 млн.сўм танлов савдоларидаги 71810,432 млн.сўм белгиланди. Бунда 1902 млн.сўм тежалди., Вазирликлар, ташкилотлар, бюджетдан ташқари фондларда хам қурилиш амалга оширлган бунда 280 та танлов савдолари бўлиб, бошланғич нархи 790731 млн.сўм танлов савдоларидаги 765611 млн.сўм белгиланди. Бунда 19351 млн.сўм тежалди.




**2.4-расм. 2014 йилда ўтказилган танлов савдоларининг ғолиби бошланғич қиймати, млн. сўм**[36]

2.4 –расм диаграммада 2014 йилда ўтказилган танлов савдоларининг ғолиби бошланғич қиймати келтириб ўтилди бунда Қорақалпоғистон Республикасида 3882 млн.сўм, Андижон вилояти 4508 млн.сўм, Бухоро вилояти 1584 млн.сўм, Жиззах вилояти 2398 млн.сўм, Қашқадарё вилояти 2104 млн.сўм, Навоий вилояти 1270 млн.сўм, Наманган вилояти 1392

[36] Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази маълумотлари

млн.сўм, Самарқанд вилояти 2844 млн.сўм, Сурхондарё вилояти 2085 млн.сўм, Сирдарё вилояти, 414 млн.сўм, Тошкент вилояти 2648 млн.сўм, Фарғона вилояти 2321 млн.сўм, Хоразм вилояти 1744 млн.сўм, Тошкент шаҳри 1902 млн.сўм бошланғич қийматдан тежалган.

Жумладан, янгидан бошланувчи:

- барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари объектларига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, 132 тасига эълонлар чоп этилди ва 87 тасига танлов савдолари ўтказилди;

- кўзда тутилган 381 та умумтаълим мактабларидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 361 тасига эълонлар чоп этилди ва 191 тасига танлов савдолари ўтказилди;

- 109 та соғлиқни сақлаш объектларидан барчасига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва 102 тасига эълонлар чоп этилди. 60 тасига танлов савдолари ўтказилди;

- барча Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси объектларига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва 153 тасига эълонлар чоп этилди ҳамда 66 тасига танлов савдолари ўтказилди;

- режалаштирилган 9 та чақирув-йиғув пунктлари бўйича 7 тасига лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида эълонлар чоп этилди ва 3 тасига танлов савдолари ўтказилди;

- 721 та сув таъминоти иншоотлари объектларидан 434 тасига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва 391 тасига эълонлар чоп этилди ҳамда 118 тасига танлов савдолари ўтказилди;

- 13 та бошқа (жумладан: тиббиёт ижтимоий муассасалари, бадиий “санъат” мактаб-интернатлари, архив, музей ва бошқалар) 10 тасига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва 9 тасига эълонлар чоп этилди. 4 таси бўйича танлов савдолари ўтказилди.

- Вазирлик, идоралар ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 324 та объектлар бўйича 191 тасига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Шулардан 67 тасига эълонлар чоп этилди ва 27 тасига танлов савдолари ўтказилди.

Буюртмачиларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндошишлари натижасида, 2013 йил Инвестиция дастурига киритилган объектлар учун лойиҳа-смета хужжатларини ва дастлабки манзилли рўйхатларини тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилиши ўз навбатида лойиҳаларни давлат экспертизасидан ва танлов савдоларини белгиланган муддатларга нисбатан кечиктириб ўтказилиш салбий холатлари юзага келмоқда.

Бундай салбий холатлар танлов савдоларининг ва қурилишнинг бориши сифатига ва объектларнинг белгиланган муддатларда топширилишига ўз таъсирини кўрсатиш эхтимоли жуда каттадир.

***(таклифлар):***

Объектлар учун лойиҳа-смета хужжатларини ўз вақтида тайёрлашда вужудга келаётган ва оқибатда ўтказилаётган танлов савдоларининг сифатига салбий таъсир кўрсатаётган бундай холатларни бартараф этиш учун, Бошқарма буюртмачиларга Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрь 395-сон қарори билан тасдиқланган, “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ, уч йиллик Дастурни шакллантириш жараёни механизмини қўллашни муҳим деб ҳисоблайди, яъни:

Уч йиллик Дастурни шакллантириш жараёни бир йиллик циклга эга бўлади ҳамда янгиланган Дастурни ҳар йилнинг охиригача тайёрлашни таъминловчи иловага мувофиқ қатъий жадвалга таянади.

Инвестиция дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда буюртмачилар қуйидаги тартибга амал қилишлари керак:

-дастурни амалга оширишнинг биринчи йилига келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва молиялаштириш билан таъминланган (келгуси йилга ўтувчи ва янгидан бошланаётган) қурилишларнинг аниқ рўйхати тузилади;

-дастурни амалга оширишнинг иккинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва биринчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати ва Дастурни амалга оширишнинг биринчи йилида лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган ва тасдиқланган, биринчи йилда танлов савдоларига тайёрланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади;

-дастурни амалга оширишнинг учинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилган биринчи ва иккинчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати, лойиҳа ҳужжатлари иккинчи йилда тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади.

## 3.3. режа

| № | Ҳудудлар | Объектлар сони | Шу жумладан | | ВМ қарорига мувофиқ тўғридан-тўғри шартнома тузишга руҳсат этилаг объектлар сони |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Йилдан йилгат ўтувчи | Янгидан бошланадиган объектлар | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **Жами: объектлар шу жумладан:** | **2222** | **277** | **1945** | **110** |
| 1 | Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари | 159 | 23 | 136 | |
| 2 | Чақирув-йиғин пунктлари | 8 | | 8 | |
| 3 | Соғлиқни сақлаш объектлари | 149 | 30 | 119 | 1 |
| 4 | Умумтаълим мактаблари | 382 | 0 | 382 | |
| 5 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси объектлари | 172 | 6 | 166 | 4 |
| 6 | Сув иншооти объектлари | 791 | 1 | 790 | 48 |
| 7 | Болалар мурувват уйлари объектлари | 6 | | 6 | 3 |
| 8 | Бадиий “санъат” мактаб интернатлари объектлари | 3 | 0 | 3 | |
| 9 | Архив объектлари | 1 | 0 | 1 | |
| 10 | Бошқа объектлар | 26 | 21 | 5 | 1 |
| 11 | Олий таълим муассасалари | 46 | 13 | 33 | 1 |
| 12 | Вазирлик ва идоралар | 283 | 117 | 166 | 41 |
| 13 | Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси 46объектлари | 149 | 36 | 113 | 3 |
| 14 | Йўл жамғармаси обҳектлари | 46 | 29 | 17 | 8 |
| | СИЭЗ навои | 1 | 1 | | |




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилга Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПФ-2069-сон қарори талабларига кўра тасдиқланган манзилли дастурларига мувофиқ, 2014 йилда марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган маблағлар хисобига 2222 та объектларнинг қурилиши кузда тутилган бўлиб, жумладан 277 таси аввалги йиллардан ўтувчи ва 1945 таси янгидан бошланувчидир.

Янгидан бошланувчи 1945 та объектлардан барчаси бўйича лойиҳа-смета хужжатлари тасдиқланди ва танлов савдолари ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълонлар чоп этилди. 1944 та объектлар учун танлов савдолари ўтказилди ва пудрат ташкилотлари аниқланди. Танлов савдолари ўтказилшни натижасида 50.4 млрд.сўмдан ортиқ маблағ шартли равишда иқтисод килинишига эришилди.

Вилоятлар ҳокимликлари буюртмачи бўлган 1570 та .объектлардан 77 таси йилдан-йилга ўтувчи, 1493 таси янгидан бошланувчидир. Янгидан бошланувчи 1492 та объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилди ва унинг натижаларига кўра буюртмачи ва пудрат ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилиб, қурилиш ишлари амалга оширилмокда.

2014 йил Инвестиция дастурига киритилган, марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан қуриладиган ижтимоий соха ва

инфратузилма объектлари бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши юзасидан юритилган мониторинг натижаларига кўра, жумладан:

Худудий хокимликлар буюртмачи бўлган 1541 та объектларда қурилиш ишлари якунига етиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмокда. Булар, 380 та умумтаълтш мактаблари, 159 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари, 119 та соғлиқни саклаш, 166 та болалар спорти объектлари, 790 та сув таъминоти ва 26 та бошқа объектлар қаторига киради.

Мазкур объектлар бўйича 3041,2 млрд.сумлик (81%) маблағлар ўзлаштирилди ва 3211,6 млрд.сумлик (85%) маблағлар молиялаштирилди.

Вазирлик ва идоралар буюртмачи бўлган 283 та. шундая 117 та объектлар аввалги йиллардан ўтувчи, 166 таси янгидан бошланувчи.

Янгидан бошланувчи объектлар бўйича лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, танлов савдолари ўтказиш бўйича эълонлар чоп этилган ва танлов савдолари ўтказилган.

Мазкур объектлар бўйича 2992.9 млрд.сўмлик (82 фоиз) маблағлар ўзлаштирилди ва 2876.2 млрд.сумлик (85%) маблағлар молиялаштирилди.

130 та объектлар қурилиш ишлари якунига етиб, давлат кабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмокда.

Объектларнинг буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан шартнома шартларининг бажарилиши бўйича мониторинг натижалари мунтазам равишда Вазирлар Махкамасига тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги “Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2137-сон қарори билан белгиланган топшириқлардан келиб чиқиб, амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатларни мувофиқлаштириш бўйича бир қатор ишлар олиб борилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июль “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимни такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисидаги 302-сонли қарор билан тасдиқланган Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилди:

- намунавий танлов хужжатларига юқорида келтирилган қарор талабларига мувофиқлаштирилди ҳамда барча танлов савдолари ташкилотчилари консалтинг марказларга етказилди ва амалда тадбиқ этилди.

Ўзгартиришларнинг амалда тадбиқ этилиши натижасида 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотларгина иштирок этиши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида”ги ПҚ-2068-сон карорига мувофиқ жорий йилда Республика тижорат банклари, Осиё Тараққиёт банкининг имтиёзли ипотека кредитлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мақсадли кредит линиясини жалб қилиш йўли билан 11 000 та қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Қўмита мутахассислари томонидан 2014 йилда қурилиши режалаштирилган ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш меҳанизмини янада такомиллаштириш мақсадида Осиё Тараққиёт банки томонидан такдим этилган HIRD стандартидаги танлов хужжатларига ўзгартиришлар бўйича бир қатор тегишли таклиф ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан:

- Тендер комиссияларининг намунавий Иш Регламента қайта ишлаб чикилди ва Осиё Тараққиёт банки томонидан қабул қилинди;

- Осиё Тараққиёт банки томонидан тасдиқланган тендер хужжатлари асосида Лотларга бирлаштирилган уй-жойларга тендер хужжатлари ишлаб чиқилди;

- Осиё Тараққиёти банкининг семинар- йигилишларида, форумлари

ташкил этилиб, қўмита вакили сифатида иштирок этилди, шунингдек, пудратчилар учун худудларга чиқиб семинарлар ўтқазилди.

Кўзда тутилган 11 000 та якка тартибдаги уй- жойлар қурилиши учун танлов савдолари натижаларига кура аникланган пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2014 йил 17 ноябрь “2015 йил Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури’’ тўғрисидаги ПК 2264-сонли қароридаги ва Вазирлар Махкамасининг Амалий чоралар Режасидаги белгиланган вазифалар ижроси бўйича марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан куриладиган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши юзасидан кунлик мониторинг юритиш йўлга қуйилди,

2015 йил Инвестиция дастурига мувофиқ, марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган 2335 та объектларни, қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, 331 таси аввалги йилдан ўтувчи ва 2004 та объектлар янгидан бошланувчидир.

Юритилган мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, жорий йилнинг 6 февраль холатига жами янгидан бошланувчи объектлардан ‘ 1733 таси бўйича лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилди ва давлат экспертизаларидан ижобий хулосалар олинди, 1672 таси бўйича буюртмачиларнинг буюртмаларига асосан танлов савдоларини ўтказиш ва пудрат ташкилотларини тайинлаш хақида эълонлар чоп этилди ва 1458 таси бўйича пудрат ташкилотлари тайинланди. Жумладан:

- 151 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари бўйича 148 таси бўйича оммавий ахборот воситаларида танлов савдоларини ўтказиш хақида эълонлар чоп этилди, 139 таси бўйича танлов савдолари натижаларига кўра пудратчи ташкил отлар аниқланди;

- 121 та соғликни сақлаш объектлари бўйича 118 тасига пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича матбуотларда эълонлар чоп этилди, 112

тасига танлов савдолари ўтказилди;

- 380 та умумтаълим мактабларидан 376 тасига танлов савдоларини ўтказиш хақида эълонлар чоп этилди, 351 таси бўйича танлов савдолари ўтказилиб, пудратчи ташкилотлар аниқланди; 685 та сув таъминоти объектларидан 680 тасига пудратчи ташкилотларни тайинлаш тўғрисида эълонлар чоп этилиб, 597 таси танлов савдолари ўтказилди;

- 346 та вазирлик ва идоралар буюртмачи бўлган объектлар бўйича 270 тасига пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича матбуотларда эълонлар чоп этилди, 194 та объектларга танлов савдолари ўтказилганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ғолиб чиққан пудрат ташкилотлари ва буюртмачилар ўртасида шартномалар расмийлаштирилмоқда.

2015 йилда Осиё Тараққиёт банкининг ва Ислом Тараққиёт банкининг имтиёзли ипотека кредитлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мақсадли кредитлиниясини жалб қилиш йўли билан 12 000 та қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Бошқарма мутахассислари томонидан 2015 йилда қурилиши режалаштирилган хамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Осиё Тараққиёт банки хамда Ислом Тараққиёт банки томонидан тақдим этилган HIRD стандартидаги танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар бўйича бир қатор тегишли таклиф ва ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, Осиё Тараққиёти банки ва Ислом Тараққиёт банкларининг семинар йиғилишларида, форумларида Қўмита вакили сифатида фаол иштирок этдилар.




| № | Ҳудудлар | Танлов савдолари ўтказилган объектлар сони | Бошланғич нарх (млн сўм) | Танлов савдоларида ғолиб чиққанлар нархи (млн.сўм) | Шартли иқтисод қилинди |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | ***Жами: объектлар шу жумладан:*** | ***1834*** | ***1856003*** | ***1799681*** | ***50448*** |
| 1 | Академик лицей ва касб-хунар коллежлари | 135 | 150365 | 146099 | 4265 |
| 2 | Чақирув-йиғин пунктлари | 8 | 4473 | 4349 | 123 |
| 3 | Соғлиқни сақлаш объектлари | 118 | 282268 | 275057 | 7211 |
| 4 | Умумтаълим мактаблари | 382 | 237815 | 230087 | 7623 |
| 5 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси объектлари | 162 | 199293 | 193286 | 6007 |
| 6 | Сув иншооти объектлари | 742 | 113093 | 109199 | 3894 |
| 7 | Болалар мурувват уйлари объектлари | 3 | 6772 | 6648 | 124 |
| 8 | Бадиий "санъат" мактаб | 3 | 17123 | 16558 | 564 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | интернатлари объектлари | | | | |
| 9 | Архив объектлари | 1 | 2313 | 2312 | 0 |
| 10 | Бошқа объектлар | 4 | 68060 | 66276 | 1784 |
| 11 | Олий таълим муассасалари | 32 | 110568 | 107167 | 3401 |
| 12 | Вазирлик ва идоралар | 125 | 299296 | 287628 | 5900 |
| 13 | Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси 46объектлари | 110 | 93158 | 86575 | 6583 |
| 14 | Йўл жамғармаси обхектлари | 9 | 271407 | 268439 | 2968 |

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 декабрь 963-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Графикнинг 5.3. ва 6.1.-бандлари бўйича:**

2014 йилда тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ 381 та умумтаълим мактаблари, 161 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 115 та болалар спорт объектлари ва 48 та болалар мусиқа ва санъат мактабларини янги қуриш ҳамда 56 та Олий таълим муассасаларини капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

381 та умумтаълим мактаблар (шундан 220 таси реконструкция ва 161 таси капитал таъмирлаш) бўйича танлов савдолари ўтказилди ва унинг натижаларига кўра буюртмачи ва пудрат ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилди ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Жорий йилнинг 15 декабрь ҳолати тезкор маълумотларига кўра пудратчилар томонидан 275,7 млрд.сўмлик (99,9%) маблағлар ўзлаштирилди.

380 та объектлар қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмоқда.

Жиззах вилояти инжиниринг компаниянинг маъсулиятсизлиги натижасида Фориш туманидаги 74-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари 91% га бажарилиб, муддатида фойдаланишга топширилмаган.

161 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бўйича танлов савдолари натижаларига кўра пудратчилар аниқланган ва буюртмачилар ўртасида пудрат шартномалари тузилан. Тезкор маълумотларга кўра пудратчилар томонидан 131,4 млрд.сўмлик (99,9%) маблағлар ўзлаштирилган.

157 та объектлар қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмоқда.

Кўрилаётган чораларга қарамасдан, муддатида фойдаланишга топширилмаган, жумладан:

- Бахмал туманидаги педагогика соҳасидаги коллежи спорт залини капитал таъмирлаш 99% бажарилган;

- Бўка туманидаги агросаноат ва транспорт йўналишидаги коллеж учун устахона қурилиши 92% бажарилган;

- Бектемир туманидаги телевидение и радио йўналишидаги коллежга 150 ўринли ётоқхона қурилиши 97% бажарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги Кимё саноат коллежи реконструкцияси (18х30 м спортзални мустаҳкамлаш) объекти бўйича ДАҚН хулосасига мувофиқ қурилиш ишлари тўхтатилган ва ушбу объект кейинги йилларда реконструкция ишлари режалаштирилди.

115 та болалар спорт объектлари ва 48 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари бўйича танлов савдолари ўтказилган ва пудратчилар аниқланган. Буюртмачи ва пудрат ташкилотлари ўртасида пудрат шартномалари тузилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Тезкор маълумотларга кўра пудратчилар томонидан 217,7 млрд.сўмлик (99,5%) маблағлар ўзлаштирилган.

114 та болалар спорт объектлари ҳамда 47 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмоқда.

Буюртмачи – вилоят инжиниринг компанияларнинг вақтида чорасини кўрмаслик натижасида Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани спорт мажмуасида болалар ва ўсмирлар спорт мактабига базани яратиш 94% ҳамда Шайхонтахур туманидаги 3-сонли болалар мусиқа ва ва санъат мактабини реконструкцияси 85% бажарилган бўлиб, қурилиш ишлари якунига етмаган.

55 та Олий таълим муассасалари бўйича (шундан 10 таси аввалги йиллардан ўтувчи), жумладан Олий таълим вазирлиги ҳузуридаги объектлар – 47 та, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги – 2 та, Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 2 та, Навоий тоғ металлургия комбинати – 2 та, Тошкент Давлат Ҳуқуқшунослик университети – 2 та пудрат ташкилотлари белгиланган тартибда тайинланган бўлиб, Тезкор маълумотларга жорий йилнинг 15 декабрь ҳолатига кўра пудратчилар томонидан 230,8 млрд.сўмлик (73%) маблағлар ўзлаштирилган. 11 та объектлар бўйича 2015 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

34 та объектларда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмоқда.

10 та объектлар фойдаланишга топширилмаган, булар:

- Фарғона давлат университетининг спорт-соғломлаштириш комплексини реконструкцияси ("Нефтчи" стадиони базасида) 95% бажарилган (лойиҳа-смета ҳужжатларини ўзгартиришлар киритиш натижасида Ҳукумат комиссиясига киритилмоқда);

- Ўзбекистон Миллий Университетнинг Иқтисодиёт факультетини ўқув блокини реконструкцияси 92%;

- Давлат Жахон тиллари Унивеситетининг француз филология факультетининг ўқув блоки реконструкцияси 82%;

- Давлат жахон тиллари Университетининг 330 ўринли талабалар турар жойини реконструкцияси 99% (жихозлаш ишлари олиб борилмоқда);

- Ўзбекистон Миллий Университетининг Кимё факультети биносини реконструкцияси 82% (Қайта техник кўрикдан (технического обследования) ўтказиш натижасида ва ўқувчи ўрин кўпайиши натижасида лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмоқда);

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий методик маркази биноси реконструкцияси 55% бажарилган;

- Тошкент тиббиёт академиясининг Асосий корпусини капитал таъмирлаш 99% ҳамда Морфология ўқув биносини капитал таъмирлаш 70% бажарилган;

- Навоий Давлат тоғ институти учун 18х36 м спорт зал қурилиши 90% бажарилган;

- Тошкент Давлат Хуқуқшунослик университети биносини реконструкция қилиш ишлари 69% бажарилган.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 декабрь 963-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Графикнинг 5.5. ва 6.1-бандлари бўйича:**

2014 йилда тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ республика миқёсида 10 та ва вилоятлар миқёсида 127 та соғлиқни сақлаш объектлари янги қуриш, капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган.

Республика миқёсидаги 10 та (шундан 5 таси аввалги йиллардан ўтувчи) объектлар бўйича пудрат ташкилотлари танлов савдолари натижаларига кўра тайинланган ва пудрат шартномалар тузилган. Тезкор маълумотларга кўра пудратчилар томонидан 43,4 млрд.сўмлик (88%) маблағлар ўзлаштирилган. 5 та объектларда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмоқда, қолган 5 таси кейинги йилларда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Вилоятлар миқёсидаги 127 та соғлиқни сақлаш объектлари бўйича танлов савдолари белгиланган тартибда ўтказилган бўлиб, унинг натижаларига кўра, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари ўртасида пудрат шартномалари тузилган. Тезкор маълумотларга кўра пудратчилар томонидан 305,2 млрд.сўмлик (97%) маблағлар ўзлаштирилган.

119 та объектларда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмоқда. 2 та объектлар 2015 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бироқ, 6 та объектлар фойдаланишга топширилмаган, булар:

- Термиз туманидаги вилоят рухий-асаб касалликлари шифохонасини капитал реконструкция қилиш 97% бажарилган;
- Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси реконструкцияси 59% бажарилган;
- Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси 51% бажарилган;
- Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси 79% бажарилган;
- Янгийўл тумани 1-сонли рухий касалликлар шифохонаси 93% бажарилган;
- Ҳамза тумани, Тузель-1 массивида оилавий поликлиника курилиши 87% бажарилган.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 декабрь 963-ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган Графикнинг 5.7. ва 6.1.-бандлари бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил дастури тўғрисида”ги ПҚ-2068-сон қарорига мувофиқ, жорий йилда Республика тижорат банклари, Осиё Тараққиёт банкининг имтиёзли ипотека кредитлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мақсадли кредит линиясини жалб қилиш йўли билан 11 000 та қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Бошқарма мутахассислари томонидан 2014 йилда қурилиши режалаштирилган ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Осиё Тараққиёт банки томонидан тақдим этилган HIRD стандартидаги танлов хужжатларига ўзгартиришлар бўйича бир қатор тегишли таклиф ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан:

- Тендер комиссияларининг намунавий Иш Регламенти қайта ишлаб чиқилди ва Осиё Тараққиёт банки томонидан қабул қилинди;
- Осий Тараққиёт банки томонидан тасдиқланган тендер хужжатлари асосида Лотларга бирлаштирилган уй-жойларга тендер хужжатларини ишлаб чиқилди;
- Осиё Тараққиёти банкининг семинар-йиғилишларида, форумларини ташкил этилиб, Қўмита вакили сифатида иштирок этилди, шунингдек, пудратчилар учун ҳудудларга чиқиб семинарлар ўтказилди.

Кўзда тутилган 11 000 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши учун танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари амалга оширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2014 йил Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури” тўғрисидаги 2013 йил 18 ноябрь ПҚ-2069-сон қарорига мувофиқ, марказлаштирилган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари қурилиш ишлари бориши тўғрисида:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилга Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПФ-2069-сон Қарорига асосан, тасдиқланган манзилли дастурларига мувофиқ, 2014 йилда марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобига 2133 та объектларнинг қурилиши кўзда тутилган бўлиб, жумладан 382 таси аввалги йиллардан ўтувчи ва 1748 таси янгидан бошланувчидир.

Янгидан бошланувчи 1748 та объектлардан барчаси бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланди ва танлов савдолари ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълонлар чоп этилди. 1747 та объектлар учун танлов савдолари ўтказилди ва пудрат ташкилотлари аниқланди. Танлов савдоларини ўтказилиши натижасида 54,7 млрд.сўмдан ортиқ маблағ шартли равишда иқтисод қилинишига эришилди.

Вилоятлар ҳокимликлари буюртмачи бўлган 1570 та объектлардан 77 таси йилдан-йилга ўтувчи, 1493 таси янгидан бошланувчидир. Янгидан бошланувчи 1492 та объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилди ва унинг натижаларига кўра буюртмачи ва пудрат ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилиб, қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

1 та Тошкент шаҳридаги суд экспертиза маркази махсуслаштирилган бинони қуриш – лойиҳа-смета ҳужжатларига қайта кўриб чиқилиши, ажратилган маблағлар етишмаслиги натижасида буюртмачи томонидан ушбу лойиҳани 2015 йилда амалга ошириш таклифи киритилган.

2014 йил Инвестиция дастурига киритилган, марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан қуриладиган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши юзасидан жорий йилнинг 15 декабрь ҳолатига юритилган мониторинг натижалари қуйидагича:

Мазкур объектлар бўйича 3041,2 млрд.сўмлик (81%) маблағлар ўзлаштирилди ва 3211,6 млрд.сўмлик (85%) маблағлар молиялаштирилди.

Ҳудудий ҳокимликлар буюртмачи бўлган 1541 та объектларда қурилиш ишлари якунига етиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмоқда. Булар, 380 та умумтаълим мактаблари, 157 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 119 та соғлиқни сақлаш, 161 та

болалар спорти объектлари, 657 та сув таъминоти ва 67 та бошқа объектлар қаторига киради.

Инвестиция дастурида белгиланган вазифаларни бажарилишида республикада бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳудудий хокимиятлар томонидан назоратни сусайтирилганлиги, буюртмачилар маъсулиятсизлик билан ёндошаётганлиги оқибатида объектларни муддатида фойдаланишга топширилиши хавф остида қолмоқда. Хусусан:

- 14 та объектлар бўйича (Тошкент вилояти – 4 та, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида – 2 тадан, Наманган ва Хоразм вилоятларида – 1 тадан) ўз муддатларида фойдаланишга топширилмаган;
- 3 та объектларда (Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида – 1 тадан) қурилиш-монтаж ишлари ортда қолмоқда.

Объектларнинг буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан шартнома шартларини бажарилиши бўича мониторинг натижаларини мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилмоқда.

Вазирлик ва идоралар буюртмачи бўлган 563 та, шундан 305 та объектлар аввалги йиллардан ўтувчи, 255 таси янгидан бошланувчи.

Янгидан бошланувчи объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, танлов савдолари ўтказиш бўйича эълонлар чоп этилган ва танлов савдолари ўтказилган.

Мазкур объектлар бўйича 1725,0 млрд.сўмлик (71 фоиз) маблағлар ўзлаштирилди ва 2010,4 млрд.сўмлик (83%) маблағлар молиялаштирилди.

130 та объеклар қурилиш ишлари якунига етиб, давлат қабул комиссия далолатномалари расмийлаштирилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015 йил Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури” тўғрисидаги 2014 йил 17 ноябрь ПҚ-2264-сон қарорига мувофиқ, марказлаштирилган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари қурилиш ишлари бориши тўғрисида:**

Ўзбекистон Республика Президентининг 2014 йил 17 ноябрь ПҚ 2264-сонли “2015 йил Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури” тўғрисидаги қароридаги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 02/1-5454-сонли мазкур қарорнинг ижроси бўйича тасдиқланган Амалий чоралар Режасидаги белгиланган вазифалар ижроси бўйича Бошқарма томонидан, марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан қуриладиган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши юзасидан кунлик мониторинг юритиш йўлга қўйилди.

2015 йил Инвестиция дастурига мувофиқ, марказлаштирилган ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган 2334 та объектларни, қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган. Шундан 329 таси аввалги йилдан ўтувчи ва 2005 та объектлар янгидан бошланувчидир.

Юритилган мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, жорий йилнинг 25 декабрь ҳолатига жами янгидан бошланувчи объектлардан 1632 таси (81,4%) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва давлат экспертизаларидан ижобий хулосалар олинди, 1357 таси (67,7%) бўйича буюртмачиларнинг буюртмаларига асосан танлов савдоларини ўтказиш ва пудрат ташкилотларини тайинлаш ҳақида эълонлар чоп этилди ва 470 таси (23,4%) бўйича пудрат ташкилотлари тайинланди. Жумладан:

- 151 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бўйича 145 таси бўйича оммавий ахборот воситаларида танлов савдоларини ўтказиш ҳақида эълонлар чоп этилди, 72 таси бўйича танлов савдолари натижаларига кўра пудратчи ташкилотлар аниқланди;

- 121 та соғлиқни сақлаш объектлари бўйича 108 тасига пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича матбуотларда эълонлар чоп этилди, 22 тасига танлов савдолари ўтказилди;

- 380 та умумтаълим мактабларидан 370 тасига танлов савдоларини ўтказиш ҳақида эълонлар чоп этилди, 138 таси бўйича танлов савдолари ўтказилиб, пудратчи ташкилотлар аниқланди;

- 685 та сув таъминоти объектларидан 530 тасига пудратчи ташкилотларни тайинлаш тўғрисида эълонлар чоп этилиб, 126 таси танлов савдолари ўтказилди.

- 113 та бошқа объектлардан 29 таси бўйича оммавий ахборот воситаларида танлов савдоларини ўтказиш ҳақида эълонлар чоп этилди, 12 таси бўйича танлов савдолари натижаларига кўра пудратчи ташкилотлар аниқланди;

- 350 та вазирлик ва идоралар буюртмачи бўлган объектлар бўйича 175 тасига пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича матбуотларда эълонлар чоп этилди, 100 та объектларга танлов савдолари ўтказилди.

Ғолиб чиққан пудрат ташкилотлари ва буюртмачилар ўртасида шартномалар расмийлаштирилмоқда.

2015 йилда Осиё Тараққиёт банкининг имтиёзли ипотека кредитлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мақсадли кредит линиясини жалб қилиш йўли билан 12 000 та қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Бошқарма мутахассислари томонидан 2015 йилда қурилиши режалаштирилган ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Осиё Тараққиёт банки томонидан тақдим этилган HIRD стандартидаги танлов хужжатларига ўзгартиришлар бўйича бир қатор тегишли таклиф ва ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, Осиё Тараққиёти банкининг семинар-йиғилишларида, форумларини ташкил этилиб, Қўмита вакили сифатида иштирок этилди, шунингдек, жойлардаги комиссия аъзоларига ва пудратчи ташкилотларга ҳудудларга чиққан ҳолда ўқув-семинарлар ўтказилди.

*Жадваллар илова қилинмоқда.*

**Таклифлар:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳамда буюртмачи бўлган – вазирлик ва идораларига:

2014 йил Инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича:

- жорий йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектлар бўйича қаттиқ назоратга олган ҳолда ўз муддатларида ва сифатли қилиб фойдаланишга топширилишини таъминлаш;

- фойдаланишга топширилган объектларни қабул комиссия далолатномаларни зудлик билан ўрнатилган тартибда расмийлаштириш.

2015 йил Инвестиция дастурига киритилган объектлар бўйича:

- лойиҳаси якунламаган объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тўлиқ якунлаш ва давлат экспертизасидан ўтказиш;

- қисқа муддатларда объектлар бўйича эълонлар чоп этиш ва танлов савдоларини ўтказиш чораларини кўриш;

- объектларни белгиланган муддатларда ва сифатли қилиб бажариш устидан доимий назорат ўрнатишни, қурилиш давомида келиб чиқадиган муаммоларни зудлик билан бартараф этишни таъминлаш.

- қурилиши режалаштирилган уй-жойлар учун пудратчиларни аниқлаш бўйича танлов савдоларини ўз муддатларида ўтказиш мақсадида, ер-массивларини Осиё Тараққиёт банкида келишиш, бенефициарларни аниқлаш, намунавий лойиҳаларни оптимизация қилиш ишларини якунлаш.

| № | Ҳудудлар | Танлов савдолари ўтказилган объектлар сони | Талабгорлар сони | | | | Танлов савдолари ғолиблари сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | Шу жумладан: | | | Жами | Шу жумладан: | | |
| | | | | Давлат унитар корхон | давлат улуши бор корхон. | Хусусий тадбиркорлик субъектлари | | Давлат унитар корхон | давлат улуши бор корхон. | Хусусий тадбиркорлик субъектлари |
| 1 | 2 | 7 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| | Жами: объектлар шу жумладан: | 1834 | 6155 | 204 | 21 | 5930 | 1834 | 67 | 4 | 1763 |
| 1 | Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари | 135 | 497 | | | 497 | 135 | | | 135 |
| 2 | Чақирув-йиғин пунктлари | 8 | 25 | | | 25 | 8 | | | 8 |
| 3 | Соғлиқни сақлаш объектлари | 118 | 409 | | | 409 | 118 | | | 118 |
| 4 | Умумтаълим мактаблари | 382 | 1334 | | | 1334 | 382 | | | 382 |
| 5 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси объектлари | 162 | 558 | | | 558 | 162 | | | 162 |
| 6 | Сув иншооти объектлари | 742 | 2379 | 20 | 4 | 2355 | 742 | 7 | 2 | 733 |
| 7 | Болалар мурувват уйлари объектлари | 3 | 11 | | | 11 | 3 | | | 3 |
| 8 | Бадиий "санъат" мактаб интернатлари объектлари | 3 | 9 | | | 9 | 3 | | | 3 |
| 9 | Архив объектлари | 1 | 3 | | | 3 | 1 | | | 1 |
| 10 | Бошқа объектлар | 4 | 15 | | | 15 | 4 | | | 4 |
| 11 | Олий таълим муассасалари | 32 | 102 | | | 102 | 32 | | | 32 |
| 12 | Вазирлик ва идоралар | 125 | 427 | 54 | 7 | 366 | 125 | 17 | | 108 |
| 13 | Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси 46объектлари | 110 | 357 | 130 | 10 | 217 | 110 | 43 | 2 | 65 |
| 14 | Йўл жамғармаси обҳектлари | 9 | 29 | | | 29 | 9 | | | 9 |

Дастур доирасида марказлашган маблағлар ҳисобига вилоятлар ҳокимликлари буюртмачи бўлган 1685 та ҳамда вазирлик ва идоралар

буюртмачи бўлган 537 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш – таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Вилоятлар ҳокимликлари буюртмачи бўлган 1685 та объектлардан 73 таси йилдан-йилга ўтувчи, 1612 таси янгидан бошланувчидир.

Янгидан бошланувчи объектлардан 1554 таси бўйича белгиланган тартибда танлов савдолари натижалари кўра пудрат ташкилотлари аниқланди, 58 та объектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазарлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида танлов савдоларисиз пудрат ташкилотлари тайинланди.

2013 йили режалаштирилган 1685 та объектлардан 1624 таси фойдаланишга топширилди. 46 та объектлар йилдан-йилга ўтувчи бўлиб, 2014 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. 15 та объектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмади.

Ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари йўналишлари бўйича 2013 йилнинг 31 декабрь ҳолатига тезкор маълумотларга кўра:

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бўйича:

159 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан 155 таси фойдаланишгга топширилди.

2 та объект бўйича, яъни Бухоро шаҳридаги ирригация ва мелиорация ҳамда педогогика касб-ҳунар коллежларининг ётоқхоналарини капитал таъмирлаш дастурга қўшимча киритилган бўлиб, пудрат ташкилотлари аниқланган. Мазкур объектлар 2014 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Қолган 2 та объектлар Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги педогогика касб-ҳунар коллежи учун 100 ўринли ётоқхона қурилиши ва Тошкент вилояти Зангиота тумандаги 55-сонли мактаб негизида маиший хизмат коллежи қурилиши буюртмачилар эътиборсизлиги ва пудрат ташкилотларини салоҳиятсизлиги, қурилиш ишларини юқори даражада ташкиллаштирилмаганлиги сабабли белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаган.

Умумтаълим мактаблари бўйича

382 та умумтаълим мактабларидан 378 тасида қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

3 та мактаблар (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида) 2014 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

1 та Бухоро вилояти Олот туманидаги 4-сонли мактабни реконструкцияси бўйича давлат қабул комиссияси далолатномаси тўлиқ расмийлаштирилмаган.

Соғлиқни сақлаш объектлари бўйича:

137 та соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш натижасида 113 таси фойдаланишга топширилган.

14 таси йилдан-йилга ўтувчи бўлиб 2014 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Қолган 10 та объектлар, булар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида - 2 тадан, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида - 1 тадан қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунига етмаган ва фойдаланишга топширилмаган.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси объектлари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 март “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2013 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-1939-сон қарорига мувофиқ, жорий йилда 172 та объектлар (6 таси аввалги йилдан ўтувчи), жумладан, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 111 та болалар спорти объектлари ва 6 та сузиш ҳавзаларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаширилган.

162 та объектлар бўйича қурилиш ва реконструкция ишлари якунига етиб, фойдаланишга топширилди. 8 та объектлар йилдан-йилга ўтувчи бўлиб, 2014 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

2 та объектлар, Тошкент вилоятидаги Олмалиқ шахридаги ва Паркент туманидаги 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари қурилиш ишлари якунига етмаган ва фойдаланишга топширилмаган.

Чақирув-йиғув пунктлари бўйича:

8 та чақирув-йиғув пунктлари бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида танлов савдолари ўтказилди, тузилган шартномалар асосида қурилиш ишлари амалга оширилди ва фойдаланишга топширилди.

Сув таъминоти объектлари бўйича:

791 та ичимлик суви таъминотини объектларидан 787 таси қурилиш ишлари якунига етиб, фойдаланишга топширилди. 4 та объектлар 2014 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бошқа (прочие) объектлар бўйича:

36 та бошқа объектлардан (булар мурувват уйлари, архив, музей ва бошқалар) 20 таси қурилиш ишлари якунига етиб, фойдаланишга топширилди.

15 та объектлар йилдан-йилга ўтувчи бўлиб, 2014 йил фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент педиатрия медицина институти Нукус филиали қурилиши жорий йилда ажратилган лимит етмаганлиги сабабли қурилиш ишлари якунига етмади ва фойдаланишга топширилмади (объектни тўлиқ тугатиш учун 420,0 млн.сум ажратиш режалаштирилган).

Вазирлик ва идоралар буюртмачи бўлган 537 та, шундан 204 та объектлар аввалги йиллардан ўтувчи, 333 таси янгидан бошланувчидир.

Янгидан бошланувчи барча объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, 280 тасига белгиланган тартибда танлов савдолари ўтказилган ва пудрат ташкилотлари аниқланган. 53 та объектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қурорлари ва рухсати асосида рудрат ташкилотлари тайинланган.

***2013 йил Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши тўғрисида.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида”ги ПҚ-1902-сон қарорига мувофиқ, жорий йилда Республика тижорат банклари, Осиё Тараққиёт банкининг имтиёзли ипотека кредитлари, хамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мақсадли кредит линиясини жалб қилиш йўли билан 10 000 та қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Барча якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши учун танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонлар матбуотда чоп этилган, танлов савдолари белгиланган тартибда ўтказилган ва пудрат ташкилотлари аниқланган.



**2.1-расм. Вилоятларда 2013 йилда ўтказилган танлов савдолари натижасида тежалган маблағ, млн. сўм**

Капитал қурилишда объект қурилишида қурилиш ташкилотининг қуйидаги кўрсатгичлари катта ахамиятга эга:

1. Иш хақи
2. Қурилиш материаллари нархи
3. Машина механизмлар қиймати
4. Пудратчининг бошқа харажатлари

Республика бўйича Статистика қўмитаси соҳалар бўйича ойлик ўртача иш хақи бўйича маълумот йиғилади.




**2.3.1-расм. Республика бўйича қурилиш соҳасида ўртача иш хақи.**

**“Қурилиш” соҳаси бўйича ўртача ойлик иш хақи**

2.3.1-жадвал

| № | Ҳудудлар | 2011 | | 2012 | | 2013 | | 2014 | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ойлик иш хақи | соатбай ставкаси | ойлик иш хақи | соатбай ставкаси | ойлик иш хақи | соатбай ставкаси | ойлик иш хақи | соатбай ставкаси |
| | Республика бўйича: | 574534,2 | 3402,97 | 720221,4 | 5313,88 | 898066,2 | 5343,09 | 997226,6 | 7383,36 |
| 1. | Қорақолпоғистон Республикаси | 413579,6 | 2449,68 | 545455,1 | 4024,43 | 660381,0 | 3928,97 | 842052,5 | 6234,47 |
| 2. | Андижон вилояти | 558045,6 | 3305,37 | 754616,9 | 5567,65 | 782570,6 | 4655,94 | 757717,7 | 5610,06 |
| 3. | Бухоро вилояти | 577073,9 | 3418,08 | 765171,8 | 5645,52 | 916957,8 | 5455,48 | 1009155,9 | 7471,69 |
| 4. | Жиззах вилояти | 408236,9 | 2418,04 | 521962,1 | 3851,10 | 653503,8 | 3888,05 | 824902,2 | 6107,49 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 425750,9 | 2521,77 | 559423,2 | 4127,49 | 722291,1 | 4297,31 | 833588,4 | 6171,80 |
| 6. | Навоий вилояти | 741279,2 | 4390,68 | 660738,5 | 4875,00 | 766009,9 | 4557,41 | 939950,2 | 6959,29 |
| 7. | Наманган вилояти | 349263,2 | 2068,73 | 479753,2 | 3539,67 | 638600,1 | 3799,38 | 834578,1 | 6179,13 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 344532,4 | 2040,71 | 465313,4 | 3433,14 | 677001,0 | 4027,85 | 676555,7 | 5009,15 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 321966,4 | 1907,04 | 480484,8 | 3545,07 | 669460,8 | 3982,99 | 847288,2 | 6273,24 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 341414,2 | 2022,24 | 590392,8 | 4355,99 | 775646,9 | 4614,75 | 933629,0 | 6912,49 |
| 11. | Тошкент вилояти | 552057,7 | 3269,9 | 703955,8 | 5193,87 | 904458,8 | 5381,12 | 973382,2 | 7206,82 |
| 12. | Фарғона вилояти | 402288,7 | 2382,80 | 572778,3 | 4226,02 | 722956,7 | 4301,27 | 745012,0 | 5515,99 |
| 13. | Хоразм вилояти | 389514,2 | 2307,14 | 578228,8 | 4266,24 | 763524,5 | 4542,63 | 841319,4 | 6229,04 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 713810,8 | 4227,99 | 892102,8 | 6582,04 | 1094789,1 | 6513,50 | 1238231,1 | 9167,74 |




**2.3.2-расм. “Қурилиш” соҳаси бўйича ўртача ойлик иш ҳақи**

## Республика бўйича қурилиш материалларининг ўртача нархлари

2.3.2-жадвал

| № | Қурилиш материаллари номи | Ўлчов бирлиги | Республика бўйича ўртача нархи | | | Нархини ўзгариши % да | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2013-2012йй нисбатан | 2014-2013йй нисбатан |
| 1. | Бетон М-100 | $м^3$ | 189609 | 285631 | 267024 | 151 | 93,49 |
| 2. | Бетон М-200 | $м^3$ | 224499 | 344407 | 324862 | 153 | 94,33 |
| 3. | Цементли қоришма М-100 | $м^3$ | 178883 | 222956 | 217377 | 125 | 97,50 |
| 4. | Асфальтобетон | тн | 74916 | 101805 | 138394 | 136 | 135,94 |
| 5. | Охак | тн | 252000 | 250000 | 322704 | 99 | 129,08 |
| 6. | Ғишт М-75 | минг дона | 242343 | 335480 | 342453 | 138 | 102,08 |
| 7. | Шебень фр 5-20 | $м^3$ | 23591 | 35673 | 42381 | 151 | 118,80 |
| 8. | Шебень фр 20-40 | $м^3$ | 21919 | 37696 | 39541 | 172 | 104,89 |
| 9. | Шағал фр 5-20 | $м^3$ | 21459 | 23763 | 24481 | 111 | 103,02 |
| 10. | Шағал фр 5-20 | $м^3$ | 27730 | 31890 | 32330 | 115 | 101,38 |
| 11. | Қум | $м^3$ | 26232 | 38585 | 38287 | 147 | 99,33 |
| 12. | Шифер | $м^2$ | 6338 | 8847 | 10636 | 140 | 120,23 |
| 13. | Эмаль ПФ | кг | 7830 | 9690 | 9885 | 124 | 10201 |
| 14. | Ойна 3-4мм | $м^2$ | 8500 | 6693 | 7571 | 79 | 113,12 |
| 15. | Электрод | тн | 5353000 | 5656000 | 5956000 | 108 | 105,3 |
| 16. | Металл конструкция | тн | 4890256 | 5375033 | 5150982 | 110 | 95,83 |
| 17. | Наличник | м | 6000 | 5200 | 5393 | 87 | 103,71 |
| 18. | Плинтус | м | 2662 | 2946 | 5881 | 111 | 199,63 |
| 19. | Штапик | м | 500 | 856 | 1794 | 171 | 209,58 |
| 20. | Гипс | тн | 252000 | 288000 | 192000 | 114 | 66,67 |
| 21. | Кабел АВВГ 3х4 | м | 2216 | 2451 | 2705 | 111 | 110,36 |

| № | Қурилиш материаллари номи | Ўлчов бирлиги | Республика бўйича ўртача нархи | | | Нархини ўзгариши % да | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2012 йил | 2013 йил | 2014 йил | 2013-2012йй нисбатан | 2014-2013йй нисбатан |
| 22. | Кабел КВВГ 4х1,5 | м | 3662 | 3662 | 3932 | 100 | 107,37 |
| 23. | Кабел ТППЭП 20х2х0,4 | м | 4347 | 4347 | 4770 | 100 | 109,73 |
| 24. | Кабел ВВГ 2х2,5 | м | 3114 | 3115 | 3126 | 100 | 100,35 |
| 25. | Электр сим АППВ 2х2,5 | м | 599 | 637 | 687 | 106 | 107,36 |
| 26. | Электр сим ППВ 2х2,5 | м | 2026 | 2026 | 2125 | 100 | 104,89 |
| 27. | Труба | тн | 3005539 | 3606533 | 3526903 | 120 | 97,79 |
| 28. | Арматура АIII д 12-32 мм | тн | 1080600 | 1367160 | 1532520 | 127 | 112,10 |
| 29. | Арматура АIII д 36 мм | тн | 1094560 | 1384720 | 1552160 | 127 | 112,09 |
| 30. | Арматура АII д 12-16 мм | тн | 1059900 | 1340820 | 1503000 | 127 | 112,10 |
| 31. | Арматура АII д 18-32 мм | тн | 1059960 | 1341000 | 1503180 | 127 | 112,09 |
| 32. | Арматура АII д 32-40 мм | тн | 1065960 | 1348740 | 1511880 | 127 | 112,10 |
| 33. | Уголок 25-40 мм | тн | 1272840 | 1565640 | 1772640 | 126 | 111,09 |
| 34. | Том ёпма ПК 59.12 | дона | 562357 | 672753 | 711929 | 120 | 105,82 |
| 35. | Пойдевор блоги ФБС 24.4.6 | дона | 130791 | 184102 | 184328 | 141 | 100,12 |




**2.3.4-расм. Қурилишда асосий материалларнинг нархининг ўсиши**

Энг долзарб масалаларнинг бири бу машина механизмлар харажатлари, чунки вақт ўтиши билан янги қурилиш техникалари чиқиб бормоқда ва бажариш вақти камайиб нархи ошмоқда. Бозор иқтисодиётида аниқ бир нархларни 1 маш/соатда чиқариш қийинлашганлиги сабабли ўртача қийматлари хисоблаб чиқилади.




**2.3.4-расм. Қурилишда машина механизмлар 1 маш/соатда нархи**

## Республика бўйича 2012-2014 йилларда машина механизмларнинг 1 маш/соат да нархининг ўсиши

2.3.3-жадвал

| № | Машина механизмлар номи | Ўлчов бирлиги | Нархи 1 маш/соат (сум) | | | 2012-2014-йилларда ўсиши %да | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 01.01.2013й. | 01.01.2014й. | 01.01.2015й. | 01.01.2013-01.01.2014 | 01.01.2014-01.01.2015 |
| 1. | Автогредер 99 квт 135 л.с. | маш/соат | 40570 | 62882 | 75591 | 55,00 | 20,21 |
| 2. | Юк ташувчи 5 тн | маш/соат | 19927 | 27353 | 36803 | 37,27 | 34,55 |
| 3. | Автогидравлик кўтарувчи 18м лик | маш/соат | 22440 | 23843 | 27877 | 6,25 | 16,92 |
| 4. | Автогидравлик кўтарувчи 22м лик | маш/соат | 28130 | 30095 | 35383 | 6,99 | 17,57 |
| 5. | Булдозер 59(80) квт (л.с.) | маш/соат | 30658 | 36164 | 42619 | 17,96 | 17,85 |
| 6. | Булдозер 79(108) квт (л.с.) | маш/соат | 36949 | 40617 | 51900 | 9,93 | 27,78 |
| 7. | Булдозер 96(130) квт (л.с.) | маш/соат | 45840 | 55341 | 68141 | 20,73 | 23,13 |
| 8. | Булдозер 118(160) квт (л.с.) | маш/соат | 52429 | 57693 | 72371 | 10,04 | 25,44 |
| 9. | Авто кўтарма 6,3 тн | маш/соат | 31130 | 32447 | 41722 | 4,23 | 28,59 |
| 10. | Авто кўтарма 10 тн | маш/соат | 37440 | 43859 | 48700 | 17,14 | 11,04 |
| 11. | Авто кўтарма 16 тн | маш/соат | 46875 | 54957 | 60545 | 17,24 | 10,17 |
| 12. | Палетли кўтарма 16 тн | маш/соат | 35349 | 38521 | 52123 | 8,97 | 35,31 |
| 13. | Палетли кўтарма 25 тн | маш/соат | 46755 | 51243 | 64368 | 9,60 | 25,61 |
| 14. | Палетли кўтарма 40 тн | маш/соат | 55911 | 58269 | 71788 | 4,22 | 23,20 |
| 15. | Минорали кўтарма 5 тн | маш/соат | 13872 | 20547 | 24258 | 48,12 | 18,06 |
| 16. | Минорали кўтарма 8 тн | маш/соат | 15781 | 22806 | 26040 | 44,52 | 14,18 |
| 17. | Минорали кўтарма 10 тн | маш/соат | 17111 | 23678 | 27342 | 38,38 | 15,47 |
| 18. | Гилдиракли экскаватор0,25 $м^3$ | маш/соат | 26032 | 32184 | 39473 | 23,63 | 22,65 |
| 19. | Палетли экскаватор 0,5 $м^3$ | маш/соат | 41187 | 45754 | 52969 | 11,09 | 15,77 |
| 20. | Палетли экскаватор 0,65 $м^3$ | маш/соат | 42478 | 48679 | 53543 | 14,60 | 9,99 |
| 21. | Палетли экскаватор 1,0 $м^3$ | маш/соат | 54283 | 61537 | 67986 | 13,36 | 10,48 |

| № | Машина механизмлар номи | Ўлчов бирлиги | Нархи 1 маш/соат (сум) | | | 2012-2014-йилларда ўсиши %да | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 01.01.2013й. | 01.01.2014й. | 01.01.2015й. | 01.01.2013-01.01.2014 | 01.01.2014-01.01.2015 |
| 22. | Ўзиюрар каток 8 тн | маш/соат | 23420 | 32128 | 35564 | 37,18 | 10,69 |
| 23. | Ўзиюрар каток 13 тн | маш/соат | 26723 | 36186 | 40034 | 35,41 | 10,63 |
| 24. | Ўзиюрар каток 16 тн | маш/соат | 44550 | 59188 | 66262 | 32,86 | 11,95 |
| 25. | Харакатланувчи компрессор (8ат) 10м$^3$/мин | маш/соат | 40446 | 42336 | 49532 | 4,67 | 17,00 |
| 26. | Дизел ёқилғили пайвандловчи агрегат 250-400 А | маш/соат | 7533 | 10584 | 11578 | 40,50 | 9,39 |
| 27. | Қўлда пайванд қилувчи | маш/соат | 966 | 1435 | 1660 | 48,55 | 15,68 |
| 28. | Вибратор | маш/соат | 399 | 416 | 458 | 4,26 | 10,10 |
| 29. | Тозаловчи машина | маш/соат | 32237 | 36646 | 43742 | 13,68 | 19,36 |
| 30 | Юк ва одам кўтарувчи 0,8 тн | маш/соат | 8745 | 10564 | 11838 | 20,80 | 12,06 |
| | **Ўртача нархининг ўсиши** | | | | | **21,91** | **18,03** |

Қурилиш ташкилотининг иш фаолиятини олиб бориш учун зарур маъмурий ходимлар шу билан биргаликда ташкилотнинг солиқлари ва бошқа тўловлари учун пудратнинг бошқа харажатлари белигланган. Ривожланган ҳудудларда пудратчининг бошқа харажатлари 20% атрофида бўлиб, бу кичик бизнес ва тадбиркорлар учун жуда қулай бўлади.

**2010-2014 йилларда пудратнинг "бошқа харажатлари" ҳудудлар кесимида.**

2.3.4-жадвал

| № | Ҳудулар | Йиллар, %да | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 |
| | Республика бўйича | 29,76 | 23,6 | 25,87 | 22,12 | 21,09 |
| 1. | Қорақолпоғистон Республикаси | 21,99 | 24,8 | 26,73 | 33,96 | 26,75 |
| 2. | Андижон вилояти | 36,80 | 26,6 | 20,76 | 30,29 | 20,92 |
| 3. | Бухоро вилояти | 24,47 | 24,1 | 26,93 | 25,32 | 25,29 |
| 4. | Жиззах вилояти | 25,47 | 28,7 | 24,77 | 19,22 | 17,39 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 25,46 | 22,8 | 22,72 | 26,43 | 25,05 |
| 6. | Навоий вилояти | 26,54 | 27,9 | 23,78 | 25,10 | 19,24 |
| 7. | Наманган вилояти | 32,40 | 29,4 | 28,77 | 26,94 | 24,83 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 25,96 | 28,8 | 28,13 | 17,60 | 16,82 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 26,78 | 23,7 | 28,62 | 21,55 | 18,22 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 36,90 | 28,4 | 26,17 | 34,34 | 35,27 |
| 11. | Тошкент вилояти | 29,46 | 24,9 | 23,78 | 20,41 | 20,94 |
| 12. | Фарғона вилояти | 37,34 | 27,5 | 25,53 | 24,96 | 21,76 |
| 13. | Хоразм вилояти | 20,74 | 20,8 | 21,80 | 16,98 | 22,83 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 34,45 | 22,1 | 27,39 | 20,44 | 22,78 |




**2.3.5-расм. 2010-2014 йилларда пудратнинг “бошқа харажатлари” ҳудудлар кесимида ўсиши.**

**-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда ўтказилган танлов савдолари иштирокчилари**

| № | Вилоятлар номи | Ўтказилган танлов савдолари (дона) | Талабгорлар сони, (бирлик) | | | | Танлов савдолари ғолиби (бирлик) | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | шу жумладан : | | | Жами | шу жумладан: | | |
| | | | | Давлат унитар корхоналари | Давлат улушига эга корхоналар | Хусусий бизнес субъектлари | | Давлат унитар корхоналари | Давлат улушига эга корхоналар | Хусусий бизнес субъектлари |
| | **Жами** | **1668** | **5600** | **638** | **3** | **4959** | **1562** | **236** | **2** | **1324** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 80 | 236 | | | 236 | 75 | | | 75 |
| 2 | Андижон вилояти | 154 | 441 | | | 441 | 126 | | | 126 |
| 3 | Бухоро вилояти | 68 | 179 | | | 179 | 50 | | | 50 |
| 4 | Жиззах вилояти | 73 | 204 | | | 204 | 60 | | | 60 |
| 5 | Қашқадарё вил | 121 | 365 | | | 365 | 96 | | | 96 |
| 6 | Навоий вилояти | 86 | 193 | | | 193 | 64 | | | 64 |
| 7 | Наманган вилояти | 67 | 280 | | | 280 | 61 | | | 61 |
| 8 | Самарқанд вил | 133 | 482 | | | 482 | 123 | | | 123 |
| 9 | Сурхондарё вил | 89 | 271 | | | 271 | 81 | | | 81 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 54 | 147 | | | 147 | 45 | | | 45 |
| 11 | Тошкент вилояти | 85 | 318 | | | 318 | 90 | | | 90 |
| 12 | Фарғона вилояти | 105 | 455 | | | 455 | 101 | | | 101 |
| 13 | Хоразм вилояти | 69 | 283 | | | 283 | 75 | | | 75 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 55 | 160 | | | 160 | 48 | | | 48 |
| | Вазирликлар, ташкилотлар, бюджетдан ташқари фондлар | 429 | 1586 | 638 | 3 | 945 | 467 | 236 | 2 | 229 |

**-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ўтказилган танлов савдолари иштирокчилари**

| № | Ҳудудлар | Танлов савдолари ўтказилган объектлар сони | Талабгорлар сони | | | | Танлов савдолари ғолиблари сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жами | Шу жумладан: | | | | Шу жумладан: | | |
| | | | | Давлат унитар корхон | давлат улуши бор корхон. | Хусусий тадбиркорлик субъектлари | Жами | Давлат унитар корхон | давлат улуши бор корхон. | Хусусий тадбиркорлик субъектлари |
| 1 | 2 | 7 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| | Жами: | 1834 | 6155 | 204 | 21 | 5930 | 1834 | 67 | 4 | 1763 |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 99 | 326 | | | 326 | 99 | | | 99 |
| 2 | Андижон вилояти | 204 | 645 | | 2 | 643 | 204 | | 2 | 202 |
| 3 | Бухоро вилояти | 98 | 338 | | | 338 | 98 | | | 98 |
| 4 | Жиззах вилояти | 97 | 396 | | | 396 | 97 | | | 97 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 151 | 527 | | | 527 | 151 | | | 151 |
| 6 | Навоий вилояти | 64 | 209 | | | 209 | 64 | | | 64 |
| 7 | Наманган вилояти | 89 | 303 | | | 303 | 89 | | | 89 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 202 | 628 | 3 | | 625 | 202 | 1 | | 201 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 126 | 388 | 17 | | 371 | 126 | 6 | | 120 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 96 | 284 | | 2 | 282 | 96 | | | 96 |
| 11 | Тошкент вилояти | 89 | 288 | | | 288 | 89 | | | 89 |
| 12 | Фарғона вилояти | 124 | 523 | | | 523 | 124 | | | 124 |
| 13 | Хоразм вилояти | 57 | 189 | | | 189 | 57 | | | 57 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 58 | 181 | | | 181 | 58 | | | 58 |
| | Вазирликлар, ташкилотлар, бюджетдан ташқари фондлар | 280 | 930 | 184 | 17 | 729 | 280 | 60 | 2 | 218 |




Капитал қурилишда танлов савдоларининг қурилиш-монтаж ишлари таннархига таъсири. “Ўзбекистон Республикаси худудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилиниши капитал қурилишда танлов савдолари тизимининг оптималлашувига олиб келди, яъни:

- танлов савдоларининг шакллари кенгайтирилди, танлов савдолари иштирокчилари: буюртмачи, танлов ташкилотчиси, танлов комиссияси ва пудратчининг талабгорлик даражасидан то ғолиб бўлгунига қадар вазифалари, функция ва маъсулиятлари аниқ белгилаб берилди;
- “эркин савдода харид қилиш” янги усули амалда қўлланила бошлади, бунда танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 25 минг, 2008 йил 28 ноябрдан бошлаб, 50 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

- харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган холдаги таклифларни талабгорларга юбориш;
- етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

- эркин савдода харид қилишда таклифларнинг етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан алоқа каналлари орқали ёзма шаклда тақдим этилишига йўл қўйилади.
- эркин савдода харид қилишда етказиб берувчи ёки пудратчини танлаш баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.
- баҳолаш комиссияси буюртмачи томонидан камида беш нафар ваколатли мутахассисдан иборат таркибда тайинланади. Баҳолаш комиссиясининг қарори протокол билан расмийлаштирилади.

Шартнома (контракт) ларни қуйидаги ҳолларда, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори мавжуд бўлганда, харид қилинадиган товар (иш, хизматлар) ягона етказиб берувчи (пудратчи) томонидан ишлаб чиқарилса (реализация қилинса), импорт товар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишган холда харид қилинганда шартноманинг тўғридан-тўғри тузилиш механизми ишлаб чиқилди;

- ўтказилаётган танлов савдоларини сифатини янада ошириш мақсадида, танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига эга бўлган пудратчи ташкилотларга танлов савдоларида иштирок этиш хуқуқи берилди;

- шунингдек, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш механизмларини белгилаб бериш билан бирга асосий вазифалардан буюртмачи ва пудратчи томонидан томонларнинг танлов савдолари шартларини бажариши тўғрисида тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли амалга ошириладиган мониторинг юритиш вазифаси белгилаб берилган бўлиб, бунда:

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартнома тузиш;

лойиҳани амалга оширишда танлов савдолари шартларининг бажарилиши;

ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси;

қурилиши тугалланган объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш мониторинг ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг аҳамияти шундан иборатки, пудрат ишларининг қиймати ва бажариш муддатлари танлов комиссияси томонидан аниқ белгиланади ва танлов шартномалари натижаларига кўра шартнома (контракт) лар тузилади.

маблағлар иқтисоди қилинган.




**2.5-расм. Объектлари учун тузиладиган пудрат шартномалари танлов савдолари орқали амалга оширилиши натижасида тежалаган маблағ**

Бундан ташқари, пудрат шартномаларини соғлом рақобат муҳитида тузиш билан бирга, танлов савдоларини ўтказилиши натижасида иқтисод қилишга эришилмоқдаки, фикримнинг далили сифатида Кадрларни тайёрлаш миллий дастури, Мактаб умумтаълим дастури, йўллар ва бошқа давлат дастурларига киритилган академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ва бошқа объектлари учун тузиладиган пудрат шартномалари танлов савдолари орқали амалга оширилиши натижасида сўнгги беш йиллик

давомида 108,4 млрд. сўм, жумладан, 2004 йилда 16,8 млрд. сўмлик (4,7%), 2006 йилда 18,2 млрд. сўмлик (3,6%), 2007 йилда 18,6 млрд. сўмлик (3,4%), 2008 йилда 18,5 млрд. сўмлик (2,4%) ва 2009 йилда 22,4 млрд. сўмлик (2,2%) маблағлар иқтисод қилишга эришилган бўлиб, марказлаштирилган манбалар (давлатнинг капитал қуйилмалари), давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағларининг ўртача 3,4 фоизини тежалишига эришилди. Мазкур тежалган маблағлар 2010 йилда ажратилган бюджет маблағларининг 12,1 фоизини ташкил этгани аҳамиятлилиги билан эътиборга моликдир. Сўнгги йилларада ҳам танлов савдоалри натижасида сезиларли даражада маблағлар тежаб қолинди, жумладан 2012 йилда 35,31 млрд сўмлик, 2013 йилда 49,46 млрд сўмли

## II боб бўйича хулоса

# III БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

## 3.1. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил ва ўтказиш мехнизмини такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ3240 сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги №302 сонли “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорини бажариш юзасидан, ҳамда капитал қурилишда танлов савдоларни ташкил қилиш ва ўтказиш мехнизмин такомиллаштиришда қуйидаги йўналишлар аҳамиятга молик:

- танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартномалар тузиш, танлов савдолари шартлари ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишда ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалининг бажарилиши, шунингдек марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган қурилиши тугалланган объектнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши мониторингини олиб бориш такомиллаштириш;
- шартнома асосида қурилишда танлов савдолари мавзуининг дастлабки қийматини белгилаш бўйича хизматлар кўрсатиш ташкил қилиш ва такомиллаштириш;
- қурилиш маҳсулотининг, шу жумладан "элементлар қиймати" усули билан, шартномавий жорий нархини аниқлаш бўйича методик тавсияларни, нархларни шакллантиришни янада такомиллаштириш, қурилишни ташкил этиш ва капитал қурилишда янги технологияларни жорий этиш бўйича норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- қурилишда ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари саноатида нархлар шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш, уларни қайта ишлаш ва умумлаштириш;

- қурилиш ишларига ва тайёр қурилиш маҳсулотига нархлар, юкларни ташишга тарифлар, материалларни ташиш шартлари ва масофаларининг ўзгариши мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш такомиллаштириш;

- маҳаллий тайёрловчи заводлар томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг нархи тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ривожлантириш;

- нархларни шакллантириш бўйича янги смета нормативларини яратиш учун бошланғич ахборотларни тўплаш ва дастлабки таҳлил қилишни йўлга қўйиш;

- капитал қурилиш, лойиҳалаштириш ва қийматни аниқлаш юзасидан комплекс масалалар бўйича вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга консалтинг хизматларини ривожлантириш;

- аризалар ва оферталар қабул қилинишини ташкил этишда, уларнинг ҳисобга олинишини, сақланишини ва махфийлигини ошириш;

- буюртмачи билан биргаликда қурилишда танлов савдоларини ўтказиш тартиб ва механизмини такомиллаштириш;

- буюртмачи томонидан жалб қилинадиган мустақил экспертлар ёки консультантлар ишини йўлга қўйиш ва ривожлантирииш;

- буюртмачи ва пудратчи томонидан тақдим этиладиган ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш ва танлов савдолари ва танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар бажарилишини таъминлаш;

- соҳа бўйича семинарлар ўтказиш, кадрларни танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тасдиқланган тартиботини, танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши мониторингини амалиётда қўллаш бўйича ўқитиш ишларини ташкил қилиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, қурилиш таннархи пасайтирилишини ва қурилиш ишлаб чиқариши иқтисодий рағбатлантирилишини таъминловчи қурилишда иқтисодий ишларни такомиллаштириш;

капитал қурилишда иқтисодий ва ташкилий ислоҳотлар амалга оширилиши, қурилиш материаллари, алоҳида ва махсус ишлар нархларининг, қурилиш механизмларини ишлатиш ва қурилиш юкларини ташиш, тайёр қурилиш маҳсулоти харажатлари ўзгаришини кузатиб бориш ва таҳлил қилиш;

нархларни шакллантириш бўйича дастурий воситаларни, норматив ҳужжатларнинг электрон вариантларини кўпайтиирш ва ривожлантириш;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши мониторингини олиб бориш мақсадида қурилишнинг боришини назорат қилиш;

## 3.2. Танлов савдоларида қатнашадиган қурилиш корхоналари иқтисодий салоҳиятини ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш

Маълумки, танлов савдоларида қурилиш корхоналарининг иқтисодий салоҳияти муҳим омил ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қурилиш корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар

қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларининг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омиллардан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда мажмуа равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хомашё ва материаллар(меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина хоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун биринчидан, фан-техника тараққиётининг айни пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, иккинчидан, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар(инвестициялар) излаб топиш, учинчидан, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, тўртинчидан, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даржасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари "эксплуаторлик белгиси" сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти-асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги Билан изоҳлаш мумкин.

Бозор шароитида ишлаб чиқариш салоҳиятинидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида, қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор "вакуумни", ҳаракатсизликни, хўжасизликнни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича

фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратилади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омиллар, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳамияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шаклларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш-концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шаклларини,т яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш услуби ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур.

Режалаштиришда режаларнинг балансластирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, ражалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар,

замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

## Хулоса

“қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.[37]”.Дарҳақиқат ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ва хизматларининг нархи ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу албатта иқтисодиёт ривожланишга сальбий таъсир кўрсатади. Ҳамма соҳада бўлгани каби капитал қурилиш мажмуасида ҳам қурилиш объектларининг нархи асоссиз равишда ошиб кетишига қарши кўп ишлар олиб борилмоқа. Бу вазифалардан бири капитал қурилишда тендер савдоларини ривожлантириш ҳисобланади. Маълумки, танлов савдоларининг асосий мақсади қурилишнинг амалдаги қийматини танлов савдолари натижалари бўйича шартномада белгиланган шартномавий нархга нисбатан камайтиришдир, натижаси тежалган маблағлар пудрат ташкилотининг тасарруфида қолади. Бу эса қурилиш объектлари нархининг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймайди.

Олиб борилган тадқиқот ишларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулосаларни қилиш қилиш мумкин:

- Нарх белгилашнинг бозор тамойилларини шаклланатириш. бугунги давлатимизда эркин нарх белгилаш чегараларини имкон қадар кенгроқ очишга, яъни нархларни эркинлаштиришга имкон бермоқда.
- сўнгги пайтларгача саноат, қишлоқ хўжалиги, йўл, фуқаро ва уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи қурилиш вазирликлари монопол мавқега эга эдилар. Амалиётдан маълумки, монополизм бозор муносабатлари

[37] И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.:Ўзбекистон 2009й.

ривожланишининг дастлабки босқичлари учун мақбўл бўлиши мумкин, аммо кейинчалик унинг ҳукмронлиги турғунликни вужудга келтириб, рақобатга тўсқинлик қила бошлайди. Шунинг учун монополизм билан бозор иқтисодиётининг муҳим белгиси бўлган рақобат бир жойда мавжуд бўла олмайди;

- капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш, қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг ролини кучайтириш, барча жойларда буюртмаларни жойлаштиришда танлов савдолари муҳим аҳаиятга эга;

- қурилиш-монтаж ишларининг таннархини камайтириш, муддатларини қисқартириш ва сифатини оширишда танлов савдолари муҳим омил бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ3240 сонли "Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги №302 сонли "Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарорини бажариш юзасидан, магистрлик диссертациясининг тадқиқот натижаларига асосланиб, "Наво қурилиш" МЧЖда мавжуд муаммоларни ва камчиликларни бартараф этиш, танлов савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш борасида қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- капитал қурилиш соҳасида товарлар, ишлар ва хизматлар харидининг ягона тизимини яратиш;
- танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг такомиллаштирилган механизмини жорий қилиш;
- қурилиш - монтаж ишларининг таннархини камайтириш, муддатларини қисқартириш ва сифатини оширишда танлов савдоларининг ролини ошириш;

- капитал қурилишда пудрат ва лойиҳа ишлари бозорини шакллантириш ва қурилиш фаолиятида шартнома муносабатларининг ролини кучайтириш;
- ишларнинг сифатли бажарилиши ва хизматларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш юзасидан шартнома шартларини кучайтириш;
- танлов савдолари ташкил қилиш, уларнинг иштирокчиларининг масъулиятини оширишнинг ҳуқуқий-меъёрий баъзасини такомиллаштириш;
- танлов савдоларида махфийликка путур етказиш ва қурилиш объектининг қийматини сунъий пасайтиришга йўл қўймаслик ва бунга қариш қатъий чоралар қўллаш.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги ПФ3240 сонли “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 октябрда қабул қилинган 463 сонли “Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрда қабул қилинган 462 сонли “Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида” Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрда қабул қилинган 538 сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган ПФ 3586 сонли “Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони

6. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.:Ўзбекистон 2009й

7. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

8. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. -Тошкент.: "Маънавия", 2008.

9. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари - энг олий қадрият. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2006й.

10. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007й.

11. Каримов И.А. "Янгиланиш ва тараққиёт йўлида янада изчил ҳаракатланиш халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир" Халқ сўзи газетаси 2007 й 13 феврал

12. Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.

13. Степанов П. С. “Менежмент в строительстве” М., Экономика, 2002.

14. Семенов С. М., Березин В. П. “Совершенствование методологических основ управления деятельностью строительного комплекса” Ж. “Экономика строительства ” , №2. М. Стройинформация, 2001.

15. Н. Ф. Костицкий “Государственное регулирование инвестиционно – стрительной деятельности”. М., Экономика сроителства № 12, 2002 .

16. Н.В. Зацаринский, Н. Ф. Костицкий. “Нормативно- правовое обеспечение взаимодействия участников инвестиционно – стрительной деятельности” М., Экономика сроителства № 2, 2001.

17. П. А. Стоун “Экономика и организация строительства”. М., Экономика, 1999.

18. Хамраев Б. Ш. Формирование рыночных отношений в сроительном комплексе Узбекистана. Дис. канд. экон. наук. –Ташкент: 1996. 173 с.

19. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари: 3-чиқарилиш, тўлдирилган ва қайта ишланган нашр-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999.-320 б.

20. Абдуллаев Ё. «Иқтисодий таҳлил» 100 саволга, 100 жавоб, - Тошкент «Меҳнат», 2001 йил.

21. Говриленко В.М. Менеджмент: Конспект лекций. - М.: Приор-издат, 2004.-1606.

22. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент:Учеб. пособ. 11-изд. - М., 2005. -800 б.

23. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. Тошкент, 1999 й.

24. Мескон М., Альберт М., Франклин Х. Основы менеджмента.Учебник М.: Дело, 2000.

25. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил Т.: Меҳнат, 2004

26. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Тошкент 2001 йил.

27. Ҳасанов Н.,Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: Муаммолар ва уларни ҳал қилиш. 8-чиқарилиш.-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 й.-224 б.

28. Хасанов Н. Молиявий таҳлил. Тошкент ,1999 йил.

29. Уткин Э. А. Курс менеджмента. Учебник. М.: Зерцало, 2000 2 изд.

30. Зайнутдинов Ш. Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. Дарслик - Т: Молия, 2001

31. “O’bekiston iqtisodiyoti” журнали 2006-2008 йиллардаги сонлари.

32. “Бозор пул ва кредит” журнали 2006-2008 йиллардаги сонлари

33. “Jamiyat va boshqaruv” журнали 2006 - 2008 йиллардаги сонлари

34. Халқ сўзи газетаси. 2006- 2008 йиллардаги сонлари.

35. Солиқ ва божхона хабарлари газетаси 2006 - 2008 йиллардаги сонлари.

36. Ўзбекистон республикаси Давлат Архитектрура ва қурилиш Қўмитаси маълумотлари

37. www.gov.uz. (Ўзбекситон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)

38. www.gkas.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектрура ва қурилиш Қўмитаси сайти)

39. www. soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти)

40. www. stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти)

41. www.mf.uz (Ўзбекситон Республикаси Молия Вазирлиги сайти)

42. www. cer. uz (Экономическое обозрение журнали сайти)

43. www. yahoo.com (Yahoo қидирув портали)

44. www. yandex.ru (Yandex қидирув портали)